

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши
IV курс 444 -гуруҳ битириувчиси**

Бўтаев Жаҳонгир Турғунбой ўғлининг

**“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА СУДЛАНГАНЛИК ВА
УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ”**

мавзусидаги

**БИТИРИУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар:

Д.Мамажонова.

Фарғона-2015 йил

Битирув малакавий иш Миллий ғоя маънавият асослари ва хукуқ таълими кафедрасининг 2015 йил май кунги йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири:

Д.Норматова

Тақризчилар:

А.Сўфиев

Д.Мамажонова

Мундарижа

Кириш.....	4-11
1-БОБ. Судланганлик тушунчаси, унинг муддатлари ва муддатларни ҳисоблаш тартиби.	
1.1. Жиноят қонунида судланганлик тушунчаси.....	12-2
1.2. Судланганлик муддатлари, бу муддатларни ҳисоблаш тартиби.....	22-38
2-БОБ. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва уни олиб ташлаш ҳолатлари.	
2.1. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари.....	39-48
2.2. Қонун бўйича судланганликни олиб ташлаш ҳолатлари.....	49-57
Хуроса.....	58-62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63-65.

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги: Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки биринчи ўн йиллиги Ўзбекистан Республикаси мустақиллигини таъминлаш, худудий яхлитлигини сақлаш, собиқ, Иттифоқ давридаги маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ўрнига янги бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш билан боғлиқ бўлган бошқарув тизимини шакллантириш даври бўлди. Ўзбекистон Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигига ғоят мураккаб йўлни босиб ўтди. Мамлакат мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишта ҳаётини таъминлаш билан бирга, янги давр ижтимоий муносабатларини шакллантириш йўлида жиддий ютуқларга эришилди.

Ўша йилларда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган ва шунга мувофиқ равишда оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан оғир жазо чораларини қўллашга мойиллик кучлироқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиш йўлидан четга чиқарадиган кучларга қарши тура оладиган, турли диний экстремистик террористик харакатларни бартараф қила оладиган даражадаги қудратга эга бўлди. Натижада Ўзбекистон ўз тарақиётининг янги ривожланиш босқичига кирди. Жамиятимизнинг сиёсий иқтисодий ва маънавий соҳаларидағи ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинди. Ана шу дастурга мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масаласи кўриб чиқилди. ва бевосита Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодексларини ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни либераллаштириш борасида аниқ таклифлар қабул қилинди ва бу кодексларга жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексларга қўшимчалар ва ўзгартишилар киритиш тўғрисида-ги Қонун жазоларни либераллаштиришнинг бошланғич даври эди, холос. Республикаизда суд-хуқуқ ислоҳотлари Конституциямизга биноан босқичма-босқич амалга оширилаётир. Бу ислоҳотларнинг биринчи босқичи 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган даврдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида келтирилган нормалар бугунги кунга қадар суд ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий манбаси бўлиб қолмоқда ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуриш бўйича фаолиятни янада оптималлаштиришга, шунингдек, “ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли мақсад-муддаоларимиз-Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш”га қаратилган.¹ Конституция нормаларидағи ғоялар мазмuni, судларни ихтисослаштириш, жиноий жазо тизимини либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, санкция бериш ҳуқуқини судларга олиб бериш йўналишларидаги суд-хуқуқ ислоҳотларининг ташаббускори, ижодкори ва муаллифи шахсан Президентимизнинг ўзлари бўлди.

Суд ҳуқуқ ислоҳотларининг навбатдаги босқичи 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни асосида бошланиб, унга асосан суд тизими Конституциявий суд, умумий судлар ва хўжалик судларига бўлинди. Қонунларни либераллаштириш йўлида кўплаб қонунлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг киритилиши, жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсни ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишининг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди. Мана шулар мамлакат миқёсида “судланганлар” миқдорининг анча камайишига олиб

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. 34-3 5 бет.

келди. Айниқса, жиноят натижасида келтирилган зарар ёки зиённи ўз ихтиёри билан қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик тўғрисидаги норманинг Жиноят кодексига киритилиши жиноят содир этганлиги учун муайян турдаги жазога хукм қилинган шахсларнинг судланганлик ҳолати муддатини қисқаришида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари кескин камайди. 2005 йилга келиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар 2000 йилга нисбатан қарийб икки бараварга ёки 31276 тадан 17863 тага камайди. 1005 йилда Ўзбекистонда 100 минг аҳоли сонига нисбатан жиноятчилик Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида энг паст кўрсаткичга эга бўлди. Россияда шунча ахолига 2488 та, Белорусияда 1969, Украинада 1044, Қозоғистонда 966, Грузияда 955, Молдовада 814, Қирғизистонда 647 та жиноят тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда бу рақам бор йўғи 319 тани ташкил этди.¹

Маълумки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича нормаларнинг асосий татбиқ этувчилари унинг моҳиятини яхши тушуниб етиши-суд-хуқуқ ислоҳотлари самарадорлигини таъминлашнинг асосий омилидир. Прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органлари терговчилари, судьялар ана шундай асосий татбиқ этувчилар доирасига киради.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда Қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик

¹ Каранг.”халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 6 июль.

англашига боғлиқ”¹.

Судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтининг татбиқ этиш ҳоллари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2006 йилнинг биринчи ярмида 5395 нафар шахсга нисбатан 5078 та жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тўхтатилди². Агар юқоридаги рақамларга бевосита судланганларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам ушбу ечимдан манфаатдор бўлганлигини кўшсак, бу ҳолда ўн минглаб инсонларнинг ҳаёт тарзи, тинч тақдирлари бешикаст сақланиб қолганлигига гувоҳ бўламиз.

Жиноят қонунчилигини ва жазо тизимини либераллаштириш юқоридаги тоифадан ташқари яна вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан улар томонидан содир этилган хукуқбузарлик учун чоралар белгилашда ва қўллашда инсонийлик, раҳмдиллик руҳи билан сугорилган нормаларнинг устуворлигини белгилаб қўйди.

Бу қатlam ичида вояга етмаганлар алоҳида дикқат-эътиборни талаб этади. Одатда, вояга етмаган шахс ҳаётий тажрибага эга бўлмаганлиги, онги, эрки ва иродаси тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли ишонувчан, бошқалар таъсирига берилувчан бўлади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “ ёшлар ўртасида жиноятчилик, бу аввало, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатолардир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларни жамиятга қайтариш отаоналар ва давлат олдидаги қиёмат қарзdir. Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониядаги ишлар нечоғлик яхши ташкил этилмасин, барибир бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Кўп ҳолларда арзимас қилмиш эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айни шу ерда судланади, жиноят оламига киради. Ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос

¹ И.А.Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2002, 35-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2006 йил биринчи ярим йили учун ҳисоботи. Т., 2006 й.

кўникмаларни эгаллай бошлайди”¹. Шу сабабли ҳам либераллаштириш асосида киритилган нормаларда вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмаслик белгилаб қўйилди. Шунингдек, Президентимиз ўз сўзида “Хуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва хуқуқий онги эндинга шакланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда айни мақсадни қўзлаб унинг тарбияси билан шуғулланган яхши мақсадни қўзлаб унинг тарбияси билан шуғулланган яхши эмасмиди. Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари бутан хуқуқий тизимимиз ва умуман жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўймоғи керак”², деган фикрларига асосланиши лозим.

Шундай қилиб, хуқуқбузарлик содир этган ёшларни қайта тарбиялашни таъминлашнинг муҳим бир юридик кафолати яратилди ва ашаддий жиноятчиларни вужудга келтирадиган манбанинг илдизи қирқиб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Независимая газета" мухбирига берган интервьюсида Ўзбекистон жиддий ўзгаришлар бусағасида турганлигини, доимий равишда фаолият юритадиган икки палатаси парламент ташкил этилганлиги мамлакатимиз ҳаётида демократик тамойилларни амалга ошириш борасида жиддий ўзгаришлар юз беришини таъкидлаб, суд-хукуқ тизимини либераллаштириш йўлида қилинган ишлар туфайли аҳоли жон бошига нисбатан маҳбуслар сони бўйича Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги давлатлари орасида энг охирги ўринда эканлигини таъкидлайди³.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Мустақиллик йилларида судланганликни хуқуқий муаммолари Ўзбекистондаги қатор олимларимиз

¹ И.А.Каримов. Хавфизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2002, 35-бет.

² И.А.Каримов. Адолат қонун устуворлигига “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил 30 август.

³ Қаранг: Халқ сўзи, 2005 йил 19 январ сони.

томонидан ўрганилган бўлиб, жумладан К.Р.Абдурасурова, Б.Ахоров, М.Усмоалиев, М.Рустамбаев, Ф.Т.Тохировлар томонидан ўрганилган ва бу борада жиноят қонунчилиги юзасидан ўз таклиф ва хулосаларини берган бўлсаларда, либераллаштириш жараёни давом этаётганлигини ҳисобга олиб мавзуу кенгроқ ўрганиб чиқилди. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикасида ҳукуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида жиноят ҳукуқида жиноятчиликка қарши курашда суд-ҳукуқ ислоҳотларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?”¹

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Судланганлик тушунчаси, судланганликнинг муддатлари ва бу муддатларни ҳисоблаш тартиблари судланганликнинг ҳукуқий оқибатлари ва судланганликни олиб ташлашнинг мазмунини очиб беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ҳукуқи принципларига асосланган ҳолда жиноятчиликка қарши кураш, уни олдини олиш, жиноятларга яраша жазо тайинлаш, фуқароларнинг ҳукуқий маданиятини юксалтириш ва айниқса инсон ҳукуqlарини жиноий тажовузлардан химоя қилиш, уларнинг тинчлигини таъминлаш, қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш мавзунинг асосий мақсадидир. Бу мақсад ва вазифаларга эришиш учун эса бир қатор вазифаларни бажаришимиз керак. Бу вазифалар бугунги қунда мамлакат Конституцияси, жиноят қонунчилигига риоя қилган ҳолда судланувчи ва судланганларнинг ҳукуқий ва сиёсий маданиятимизга боғлиқ. Чунки, ҳукуқий ва сиёсий маданият-мамлакатимизда ҳукуқий демократик давлат қуришнинг, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, халқаро

¹ И.А.Каримов. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин.-Т., 1998.-53-б

ҳамжамият олдида обрў-эътиборимиз ошишининг муҳим омили ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги: Унинг вазифаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга мувофиқ равишда судланганлик институтини либераллаштириш борасида бир қатор янги фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни илгари суриш.

Битирув малакавий ишнинг манбавий асоси: Жиноят ҳуқуқида судланганлик ва унинг оқибатлари мавзуси бўйича билиш лозим бўлган муҳим қоидаларни кенг оммага етказиш, бу борадаги билимларни янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жиноятчиликни тартибга солиш, унга қарши кураш, фуқароларни тарбиялаш жараёнига бўлган қизиқишлигини янада ошишига, ўзларининг фуқаролик ва ҳуқуқий маданиятларини намоён этишларига туртки бўлади. Жиноят ҳуқуки жараёнига оид турли тушунтирувчи, шарҳловчи ва савол-жавоб рисолаларининг нашр этилиб тарқатилиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ушбу рисолалар қанчалик халқчил, оммабоп ва барча тушунадиган тилда, шунингдек, мисолларга бой тарзда нашр этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада оммавий ахборот ва қўргазмали тушунтириш воситаларининг, шунингдек интернет тармоғининг ҳам аҳамияти жуда юқори эканлигини таъкидлаш лозим.

Мен “Жиноят ҳуқуқида судланганлик ва унинг оқибатлари” мавзусини ёритища Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президентимиз рисолалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, бир қатор конституциявий қонунлар, дарслик ва қўлланмалардан манба сифатида фойдаландим. Шу ўринда мен, 1994 йилда қабул қилинган ва ҳозирда амалда бўлган Жиноят кодексини ишлаб чиқища унинг амалий асослари тўғри белгиланганлигини гапириб ўтмоқчиман. Ушбу жиноят кодекси собиқ шўролар давридаги жиноят кодексларидан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз олдида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш,

бозор муносабатлари тизимини яратиш ва мустаҳкамлаш вазифасидан келиб чиққан ҳолда адолат, одиллик, инсонпарварлик, демократизм, қонунийлик, ҳалқаро нормаларга асосланган тамойиллари билан ажралиб туради.

Ишнинг амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундаки, жиноят ҳуқуқи фанидан маъзуза ва амалий машғулотлар ўтказишида, маърузалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва хажми:

Битирув малакавий иш кириш, 4 та параграфни ўз ичига олган 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг хажми 53 бетни ташкил этади.

Биринчи боб судланганлик тушунчаси, унинг муддатлари ва муддатларни ҳисоблаш тартибини ўз ичига олади, иккинчи боб эса судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва уни олиб ташлаш ҳолатларига бағишланади.

1-БОБ. Судланганлик тушунчаси унинг муддатлари ва муддатларни ҳисоблаш тартиби.

1.1 Жиноят қонунида судланганлик тушунчаси.

Судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, шахснинг содир этган жинояти учун жиноий жазога ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий холатдир. Судланганлик шахснинг ҳуқуқий холати бўлиб, шахс содир килган жинояти учун муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин келиб чиқадиган, (жиноий жазога умуман ҳукм қилинмаган шахсларга хос бўлмаган) маҳсус ҳуқуқий холат ҳисобланади.

Судланганликнинг маҳсус ҳуқуқий холат эканлиги шундаки, жинояти учун муайян турдаги жазога ҳукм қилинган шахс, жазони ўташ вақтида ўша жазо турини ўташ билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий чеклашлар шахсга нисбатан мажбурий равишда тадбиқ қилинади. Бундан ташқари, шахс жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам судланганликнинг оқибатлари вужудга келиб, бу оқибатларни умумий ва жиноят-ҳуқуқий оқибатларга бўлиш мумкин.

Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари, фақат шахс янги жиноят содир қилсагина пайдо бўлади. Агар шахс бирон-бир янги жиноят содир қилмаса, жиноят-ҳуқуқий оқибатлари умуман вужудга келмайди. Аммо бундай ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши муддатлари қонун билан чегараланган бўлиб. Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар кетганидан кейин, судланганликнинг жиноят-оқибатлари пайдо бўлмайди ва шу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс янги жиноят қилса, биринчи марта жиноят содир этилган деб умумий асосларга мувофиқ жиноий жавобгар қилинади. Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида ушбу ишнинг учинчи параграфида батафсил баён қилинади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят, деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят

учун тайинланган жазони ўтаб бўлиши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганликнинг умумий оқибатлари юзасидан қонунларда бирон-бир муддат белгиланган эмас. Судланганликнинг умумий оқибатлари шундан иборатки, шахс айрим расмий хужжатларни тўлдириш вақтида ўзининг олдин судланганлиги ҳақида албатта қайд қилиши керак. Бундан ташқари, бундай шахслар давлатнинг айрим хизмат турларига ишга қабул қилинмаслиги мумкин (масалан, адвокатлик фаолиятини амалга оширишни чеклаш¹). Айрим холларда айниқса хуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари бундай қоидадан норозиликларини баён қиласидилар. Бизнинг фикримизча, судланганлик институти ва судланган шахсларни давлатнинг айрим хизматларига ишга қабул қиласликни тўғри деб ҳисблаймиз. Бу ерда ҳам умумжамият манфаатлари йўлида жамиятнинг жиноят содир қилган жуда озвилик қисмига нисбатан айрим хукуқларни чеклашни қўллаш орқали жамиятнинг софлиги, баркамоллиги ва бошқарув тизимининг мукаммаллигини таъминлаш мақсад қилинганлиги назарда тутилмоқда.

Маълумки, шахс жиноят содир қилиши билан у ва бу давлат ўртасида жиноят-хукуқий муносабатлар пайдо бўлади. Бу жиноят-хукуқий муносабатлар шундан иборатки, жиноят содир қилган шахсда содир қилган жинояти учун қонун асосида давлат олдида жавобгар бўлиш, давлатда эса ўша шахсни жавобгар қилиш мажбурияти вужудга келади. Бундай мажбурият содир этилган жиноят юзасидан суриштирув ишлари ва тергов ишлари олиб бориш, ишни судда кўриб жиноий жазо тайинлаш, жазони ижро этиш ва жазонинг ижро этилишини назорат қилишдан иборатdir. Шахс жазони ўтаб бўлиши билан жиноят хукуқий муносабатлар тамом бўлмасдан, Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар мобайнида ҳам хукуқий оқибатлар мавжуд бўлиб, шу муддат ичида шахс янги жиноят содир қилса, жиноят хукуқида назарда тутилган бир қатор хукуқий оқибатлар келиб чиқади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ти Қонуни, З-модда.

Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, шахсни судланган деб топишнинг бошлангич-ҳукм кучга киргандан кейинги вақт, деб белгилайди. Жиноят-процессуал қонунга мувофиқ, ҳукм унинг апелляция шикояти бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикояти берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиқкан куни қонуний кучга киради. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонга Республикасига келишлари, Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби тўғрисида”ти 408-сонли қарорнинг 19-бандига мувофиқ, хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига кириши, башарти, шахс Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларини бузганлик учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган ва ундан судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, рад этилади¹. Шундай қилиб, шахс жазони ўтаб бўлгандан кейингина эмас, унинг ижро этилиши вақтида ҳам судланган ҳисобланади, бу нарса суд томонидан инобатга олиниши керак. Бунда, дастлабки тергов жараёнида тайинланган жиноятнинг олдини олиш чоралари аҳамиятга эга эмас, шунингдек, ҳукм эълон қилингандан кейин-бу вақт давомида шахс судланган, деб тан олиниши мумкин эмас.

Қонунга кўра, жазодан озод қилинган шахс судланган, деб эътироф этилмайди. Бундай пайтда жазо тайинланмасдан қабул қилинган айлов ҳукми, шунингдек, кучга кирган амнистия акти билан жазодан озод қилинган ёки жавобгарликка тортиш муддати ўтиши шароитида шахс судланмаган, деб тан олиниши керак. Шахс, шартли ҳукм қилиниши муносабати билан жазодан озод қилинганда ёки жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганда синов муддати давомида судланган, деб эътироф этилади.² Ҳатто жазо билан бирга тарбиявий характердаги мажбурлов чоралари

¹Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 528-модда, 1,2-қисм.

² Жиноят Кодексининг 72, 73, 89-моддалари.

тайинланганда ҳам шахсни жазодан озод қилиш шахсни судланганлигини келтириб чиқармайди. Албатта, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинганда, шунингдек, унга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда у судланган, деб тан олиниши мумкин эмас. Судланганликнинг жиноий-хукукий аҳамияти шахснинг олдинги жиноят учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этганидагина вужудга келади. Судланганликнинг умумий хукукий оқибатлари каби жиноий-хукукий оқибатлари ҳам жиноий жазо самарадорлигини ошириш ва маҳкумни тарбиялашга қаратилган чораларни мустаҳкамлаш, шунингдек, аввал судланган шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Судланганликнинг жиноий-хукукий аҳамияти қўйидагилардан иборат:

- шахсада судланганлик ҳолатининг мавжудлиги хавфли ва ўта хавфли рецидивист, деб топилишига таъсир этади (Жиноят кодексининг 34-моддаси);
- судланганлик шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қиласди (Жиноят кодексининг 140-моддаси);
- судланганлик қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатади;
- судланганлик жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади;
 - судланганлик озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жазони ижро этиш муассасаси турини аниқлашга таъсир қиласди (Жиноят кодексининг 50-моддаси);
 - алоҳида тартибда жазо тайинланишига сабаб бўлади.

Судланганликнинг жиноий-хукукий аҳамияти шахс янги жиноят содир этганда вужудга келади. Бошқача айтганда, шахснинг судланганлиги суд томонидан, у судланган, деб топилган даврда, яъни хукм қонуний кучга кирган вақтдан унинг тугатилиши ёки олиб ташлангунгача бўлган даврдан кейин жиноят содир этган ҳолларда ҳисобга олинади. Судланганлик

бошлангунига қадар ёки у тугагандан кейин жиноят содир этиш ҳеч қандай жиноий-хуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Судланганлик ҳолати тугалланганда, шахс судланмаган, деб ҳисобланади. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши, шахснинг янги жиноят содир этиши билан узилади. Бундай ҳолда судланганликнинг биринчи жиноят бўйича тугалланиш муддати айборнинг охирги жиноят учун жазони ҳакиқий ўтаб бўлганидан сўнг ҳисобга олинади. Судланганлик ҳолати тугалланиши билан унинг барча хуқуқий оқибатлари бекор бўлади ва шахс янги жиноят содир этган тақдирда, унинг жиноий жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат, деб ҳисобланмайди.

Жиноят кодексининг 77-моддаси, бешинчи қисми жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят, деб ҳисобланмай қолган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиниши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган, деб ҳисобланишини белгилайди.

Судланганлик кишилар хукуқини чеклаш билан боғлиқ бўлган институт бўлганлиги туфайли хар доим ва барча давлатларда судланганлар миқдорининг кам бўлишидан ва бундай шахсларни имкони борича камайтиришдан манфаатдордир. Шу жумладан, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин жамиятда судланганларнинг миқдорини камайтириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Бу масалада суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Жамиятда судланганларнинг умумий миқдорини камайтиришнинг бош асоси жиноятчиликнинг олдини олишдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “Ўзбекистон ахолиси сони шу йилнинг охирига (2004 йилнинг охирига) бориб 26 миллионлик маррани эгаллаши кутилмокда. Аҳолининг йиллик ўсиши эса охирги беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни

ташқил этди"¹ деган маълумотларни келтирган эди.

Аҳоли микдорининг ўсиб боришига қарамасдан судланганлар умумий микдорининг камайиб бориши суд хуқуқ тизимини либераллаштиришнинг ва янги ижтимоий тузумнинг ижтимоий муносабатларни шакллантиришдаги улкан ютукларнинг натижасидир.

Агарда бундан ўн йил олдинги аҳвол билан ҳозирги кундаги судланганлик ҳолатини қиёс қилинадиган бўлса, жуда катта фарқ борлигининг шоҳиди бўламиз.

Собиқ Иттифоқнинг охирги ўн йиллигига жиноятчиликнинг ўсиши гоят тезлашиб кетган эди. Жумладан 1988 йили жиноятчилик 1987 йилдагига нисбатан 4 фоизга купайган бўлса, 1989 йили 31,8 фоизга ўсган. Айниқса, шахсий мулкка қарши жиноятлар 55 фоизга ўсиб кетган эди. 1991 йили Иттифоқ микёсида 3 миллион жиноят руйхатга олинган эди. Яъни Совет давлати хаётининг охирги уч йилида жиноятчилик деярли уч баравар ошган эди." Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномасининг 1990 йил 1-сонида жиноятчилик хакидаги маълумотлар эълон қилинган эди. Қасддан одам ўлдириш 1988 йилда 780 та содир этилган бўлса, 1989 йилда 1021 тага кўтарилиган, яъни 30,9 фоизга кўпайган. Боскинчилик жинояти 1988 йилда 44 та содир этилган бўлса, 1989 йилда 1057 тани ташқил қилган, яъни 64,1 фоизга усган. Талончилик 1988 йилда 1788 та рўйхатга олинган бўлса, 1989 йилда 2811 тани ташқил қилган, яъни 58,9 фоизга ошган.

Жиноятчилик факат микдор жихатидангина эмас, балки сифат жихатидан ҳам ўзгарган. Жумладан, "Правда Востока" газетасининг 1988 йил 10 ноябридаги сонида эълон қилинган маълумотларга кўра, 1985-1988 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 700 дан ортиқ уюшган ва қуролланган жиноий гурухлар фош қилинган. Давлат тизимида ишлайдиган айрим мансабдор шахслар жиноий гурухларнинг аъзоси бўлганлар. Ички ишлар вазирлигининг ўша даврда шундай жиноий гурухга аъзо бўлиб колган ёки қасамини

¹ Халқ сўзи" газетаси. 2004 йил 8 декабр.

бузганлиги учун тўрт мингга яқин ходими уч йил ичида ишдан бўшатилганлар. Ана шундай жамиятнинг барча соҳаларида чукур инқироз юз берган оғир бир шароитда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлган эди. Ана ўша даврда узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг анчагина қисми ҳозирги кунда ҳам судланган ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов бу оғир вазиятда сабр тоқат, матонат ва қатъиятлилик билан оқилона иш кўрди. Унинг "Ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойили" ни эълон қилиниши ва бу тамойилларни катъиятлик билан амалда тадбиқ этилиши, мамлакатимизда ўша йиллари баркарорликни саклаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг сўзларини эслайман: "Тарихимизга назар ташласак, кўрамиз, хато қилган одамни жазолашдан кўра, кўпроқ кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш, изза қилиш, яъни унга авваламбор, тарбиявий чоралар қўлланилган. Иккинчи марта жиноят қилдирмаслик- бу биринчи вазифа. Иккинчи вазифа шундан иборатки, етказилган зарарни қайтариб олиш. Турмаларда, лагерларда ётган одамларнинг сонини камайтиришимиз керак"лиги ҳамда "Менинг фикрим шундай, одамни қамаш эмас, аввало, у етказган зиённи қандай қилиб ундириб олиш ҳақида ўйлаш керак".¹

Ислоҳотларни чидам билан амалга ошириб бориш ва бозор иктисодиёти муносабатларини босқичма-босқич шакллантира бориш узининг ижобий натижаларини бера бошлиди. Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг ўсиши тўхтатилди. Агар 1944 йилда 73561 жиноят (шундан 29317 таси оғир жиноят) рўйхатга олинган бўлса, 1995 йилда 67026 жиноят рўйхатга олинган, 1996 йилда эса 65980 жиноят рўйхатга олинган, 1995 йилга нисбатан 1996 йилда жиноятчилик 14,7 фоизга камайган. Кейинги йилларда жиноятчиликда камайиш тенденцияси юз берган.

Агарда кейинги йилларда судланганларнинг миқдорига аҳамият

¹ И.А.Каримов. Адолат қонун устуворлигига. "Халқ сўзи" газетаси, 2001 йил 30 август.

бериладиган бўлса, судланганларнинг микдори ҳам йилдан йилга камайиб борган.

Агарда 2000 йили судланганларнинг умумий микдорини юз фоиз деб оладиган бўлсак 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 5 фоизга ошган, 2002 йилда эса 11,3 фоизга камайган, 2003 йилда 16 фоизга, 2004 йилда эса 19 фоизга камайган. Ушбу ракамлардан кўриниб турибдики, суд-хукуқ тизимини либераллаштириш бошланганидан кейин судланганларнинг микдори йилдан йилга камайиб бормоқда.

Мамлакатимизда судланганлар умумий микдорининг камайиб боришини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Ф.Мухитдинова ўзининг "Одиллик одимлари" номли мақоласида ҳам келтиради. "Агар кейинги йилларда (1998-2001 йилларда) мамлакатда судланганлик динамикасида ўсиш кузатилган бўлса, мазкур қонун амалга киритилгандан сўнг судланганлар сони бир кадар пасайди. Масалан, 2002 йилда жами судланганларнинг сони 2001 йилдагига нисбатан 13,8 фоизга камайди", - деб ёзади¹.

Жамиятда судланганларнинг микдори энг аввало содир этилган жиноятларнинг микдори ва ўша жиноятларни содир этишда айбланаётган шахсларнинг микдори билан, шунингдек содир этилган жиноятларда оғир ва ўта оғир жиноятларнинг микдори билан бевосита боғлиқдир. Чунки оғир ва ўта оғир жиноятларнинг судланганлик муддати анча узоқ муддатли бўлиб, оғир жиноятларнинг судланганлик муддати етти йил белгиланган бўлса, ўта оғир жиноятларнинг судланганлик муддати ўн йил, ўта хавфли рецивидистлар ва ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чикқанларнинг судланганлик муддати белгиланмаганлиги туфайли оғир ва ўта оғир жиноятларда қамайиш юз бермаса, йилдан йилга судланган шахсларнинг микдори ошиб бораверади. Шунга кўра, жамиятда судланган шахсларнинг микдорини камайтириб бориш учун оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш ҳамда рецидив

¹ Мухитдинова Ф. Одиллик одимлари. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2003й

жиноятчиликни оддини олиш учун барча имкониятларни ишга солган ҳолда унга қарши кураш олиб боришдан иборатдир.

Мамлакатимизда демократик тамойилларни амалга ошириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. 2005 йил 28 январ куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ушбу қўшма мажлисдаги маъruzасида мамлакатимизда жиноят қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилганлиги туфайли сўнгги икки йил ичида катта ижтимоий хавф тутғирмайдиган жиноят содир қилган беш мингга яқин киши озодликдан маҳрум этилмаганлигини таъкидлади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда судланганларнинг умумий микдорига жиддий ижобий таъсир кўрсатади.

Юридик адабиётларда судланганлик институтидан воз кечиш тўғрисидаги таклифлар ҳам бўлган. Албатта, бундай таклифни маъқуллаб бўлмайди. Чунки судланганлик институти жиноят содир қилган шахсларнинг хулқини назорат қилиб туриш, уларнинг жисмоний фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига ўтаб олмаган шахсларга нисбатан тарбиявий хусусиятдаги чораларни қўллаб, уларни турмуши ва ишида ёрдам бериш учун, айрим холларда эса жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам (масалан, маъмурий назорат ўрнатиш орқали) тарбиявий ишларни давом эттириш учун судланганлик институти зарурдир.

Рецидив жиноятчиликни ўрганган олимларнинг деярли барчаси, шахс дастлабки жиноят учун жазони ўтаб чиққанидан бошлаб олти ой ўтмасдан бир йил ўтмасдан, икки йил ўтмасдан ва уч йил ўтмасдан ёки уч йил ўтиб кетганидан кейин қасдан янги жиноят содир қилганларни ўрганиб, тегишли хulosалар қилганлар. Агар шахс жазони ўтаб чиқкан вақтдан бошлаб қуп вақт ўтмасдан янги қасдан жиноят содир қилса, хукм бўйича жазони ўташдан олдинги жиноий фаолиятидан воз кечмаган ҳисобланишини таъкидлайдилар. Кўпчилик рецидив жиноят содир қилганлар дастлабки жинояти учун жазони ўтаб чиққанидан кейин уч йил ўтмасдан қасдан

жиноят содир калган шахслардир. Бундай ҳолатдан шундай хулоса қилиш мүмкінки, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларни жазони ўтаб чиққан кунидан бошлаб уч йил мобайнида назорат қилиш ва зарур бўлса, ана шу давр ичида уларга алоҳида аҳамият бериш, турмуш ва ишларида ёрдам беришига алоҳида ёндошиш талаб этилади.

Шундай қилиб, жиноят қонунида судланганликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс содир қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб чиққанидан кейин, уни яна жиноят йўлига ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида кузатиб туриш, жазони ўташ вақтида жазонинг мақсадига тўла эришилмаган бўлса, уларнинг устидан маъмурий назорат ўрнатиш орқали жазонинг максадига эришишни жазони ўтаб бўлганидан кейин давом эттириш учун зарур бўлган жиноят-ҳуқукий институтдир.

1.2. Судланганлик муддатлари, бу муддатларни ҳисоблаш тартиби

Судланганликнинг жиноят-хуқуқий оқибатлари келиб чиқадиган муддатлар қонун билан муайян чегараларда белгиланган бўлиб, бу муддатлар суд томонидан тайинланган жазо тури ва муддатлари билан боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар Судланганликнинг жиноят-хуқуқий муддатлари бўлиб, ана шу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс судланган ҳисобланади ва судланганликнинг ҳеч қандай жиноят хуқуқий оқибатлари қолмайди. Агарда шахс шу муддатлар ичида янги жиноят содир қилса, бир қатор жиноят-хуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Судланганликнинг хуқуқий оқибатлари ушбу ишнинг кейинги параграфида батафсил таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасида белгиланганига кўра жазо тайинланган айлов хукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Демак, қонун мазмунига кўра, шахсни судланган деб ҳисоблаш учун албатта муайян турдаги жазога ҳукм қилинган ва ҳукм қонуний кучга кирган бўлиши керак. Ҳукм чиқсан, лекин ҳукм ҳали қонуний кучга кирмаган вақт судланганлик вақти ҳисобланадими ёки йуқми? Агарда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган қоидага асосланилса шахс ҳали судланган ҳисобланмайди. Аммо айнан ана шу ҳукм чиқсан ва ушбу ҳукм қонуний кучга киргунча бўлган вақт айрим муаммоларни келтириб чикаради. Бу муаммолар шундан иборатки, шахс ана шу вақт ичида қасдан янги жиноят содир этса, рецидив жиноят ҳисоблаш керакми ёки жиноятлар жами ёки такоран жиноят содир этиш деб ҳисоблаш керакми деган ҳақли савол туғилади.

Бизнинг назаримизда, шахснинг судланган деб ҳисоблаш масаласини ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобга олиш қонунда тўғри белгиланган. Чунки ҳукм қонуний кучга киргунча янги ҳолатлар очилиб қолиши туфайли шахсга нисбатан оклов ҳукми чиқарилиши, иш аппелляция

ёки кассация тартибида кўрилиб, хукм ўзгартирилиши, ёки иш кассация тартибида кўрилиб, шахсга нисбатан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш қўлланиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг барчаси шахсни судланмаган деб ҳисоблашга ёки судланганлик муддатларига таъсир қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасида рецидив жиноят тушунчаси берилган бўлиб, рецидив жиноят тушунчаси бевосита шахснинг олдин қасдан қилган жинояти учун судланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Ушбу моддада берилган тушунчага кўра, шахснинг илгари қасдан содир этган жинояти учун судланганидан кейин янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Бу ерда "Судланганидан кейин" деганда қонун чикарувчи орган қайси вақтни назарда тутмоқда? Яъни, хукм чиққандан кейин содир этилган жиноятни назарда тутмоқдами ёки хукм қонуний кучга кирганидан кейин содир этилган жиноятни назарда тутмоқдами? Қонуннинг ушбу матни мазмунидан буни аниқлаш қийин.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида (бир неча хукм юзасидан жазо тайинлаш) "Агар махкум хукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги хукм буйича тайинланган жазо муддатига илгариги хукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади", - дейилади. Ушбу қонуннинг мазмунига кўра, шахс ҳали судланган ҳисобланмасада муайян жинояти учун хукм эълон қилинганидан кейин қасдан янги жиноят содир этса, рецидив жиноят деб ҳисобланади. Демак судланганлик муддатига нисбатан қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш муддати кенгроқ бўлиб, хукм эълон қилинган вақтни ҳам қамраб олади. Шунга кўра қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш вақти қонуний кучга кирган вақтни ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларни қамраб олади. Шахснинг судланганлик ҳолати эса хукм қонуний кучга кирган кундан бутун жазони ўташ муддатига (шу жумладан, қўшимча жазони ўташ муддатига) ҳам жорий қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда

тутилган муддатларда судланганлик ҳолати жорий қилинади.

Агар шу юқорида айтилганлардан хulosа қилиб айтиш мумкинки, хукм эълон қилинганидан то биринчи хукм буйича жазони ўтаб бўлгунча (асосий ва қўшимча жазоларни) янги жиноят содир этилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидаларини қўллаб жазо тайинланса хукм эълон қилинган вақтдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар қилмишни рецидив жиноят деб ҳисоблаш муддатлари ҳисобланади.

Шахснинг муайян жазони ўташ муддати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларга кушиб ҳисоблансада, жазони ўташ вақтида шахснинг судланганлик ҳолатининг барча қоидалари жорий қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар эса шахс жазони ўтаб бўлганидан кейин жиноят ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқадиган муддатлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар айнан судланганлик муддатларини ҳисоблаш муддатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар фақат жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган муддатлари бўлиб, шахс ана шу муддатлар мобайнида янги жиноят содир этса, бир қатор жиноят ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун олдин жиноят содир этиб, муайян турдаги жазони ўтаб чиқсан шахс янги жиноят содир этса, шахснинг судланганлик муддатлари жуда аниқ ҳисобланиши керак. Қонунда судланганлик муддатлари йиллар билан белгиланган бўлсада, бу муддатлар шахснинг жазони ўтаб бўлиб чиқсан кунидан бошлаб, йиллар, ойлар ва қунлар билан ҳисобланади. Шахснинг судланганлик ҳолати жазодан озод бўлган кундан бошлаб йиллар билан ҳисобланиб, қонунда белгиланган муддатнинг охирги куни кеч соат 24.00 да судланганлик ҳолати тугалланади ва барча жиноят-ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Судланганлик бир қатор жиноят-хукуқий оқибатларни келтириб чиқаргани, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлашга таъсир қилганлиги учун бу муддатлар жуда аниқ ҳисобланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланишича барча жиноят содир қилганлар судланган ҳисобланавермайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддаси мазмунига кўра, шахс муайян жиноятни содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилган, Жиноят кодексида назарда тутилган муайян турдаги жазо тайинланган бўлсагина судланган ҳисобланади. Агарда шахс муайян жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилиб, жиноий жазо тайинланмасдан жавобгарликдан озод қилинган бўлса, судланмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасинин иккинчи қисмида, "Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади", - дейилади. Бизнинг назаримизда суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисоблаш кераклиги, умумий тарзда белгиланган бўлиб, Жиноят кодексининг умумий қисмининг бир қатор моддаларига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Умумий қисмининг XIII бобида жазодан озод қилишнинг турлари назарда тутилган бўлиб, булар 69-76-моддалардаги жазодан озод қилиш институтларидир. Ана шу моддаларнинг фақат 69-моддаси асосида (жазони ижро этиш муддати ўтаб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш) жазодан озод қилинган шахсларгина судланмаган ҳисобланади. Жазодан озод қилишни назарда тутувчи бошка барча моддалар бўйича жазодан озод қилинган шахслар судланган ҳисобланадилар. Чунки қонун мазмунига кўра суд шахсни жазодан озод қилиш билан бирга, унинг судланганлигини ҳам олиб ташлаши хакида айтилмаган. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 70-моддаси (шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш) ва 71-моддаси (айборни чин қўнгилдан

пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш) асосида жазодан озод қилишни қўллагандан ҳам суд жазодан озод қилиш билан бирга судланганлигини ҳам олиб ташлаши мумкинлиги назарда тутилмаган. Жазодан озод қилишнинг 72,73,74,75,76-моддаларининг ўзида жазодан озод қилинган шахслар муайян муддат мобайнида янги жиноят содир этсалар, ЖКнинг 60-моддасида белгиланган тартибда (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) жазо тайинлаш зарурлиги айтилган. Демак, жазодан озод қилинган шахслар хар доим ҳам судланмаган ҳисобланавермас экан.

Ана шу юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддаси иккинчи қисмидаги "суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади" деган қоида чиқариб ташланиб, жинояти учун муайян жазо турига ҳукм қилиниб, жазодан озод қилинган шахслар кайси ҳолларда судланмаган деб ҳисобланиши кераклиги қонунда аниқ белгиланиб қўйилиши керак. Шахснинг судланганлик ҳолатини қонунда аниқ белгилаб қўйилмаслиги айрим ҳолларда содир этилган жиноятни квалификация қилишда ва жазо тайинлашда хатога йўл қўйилишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, қилмишни рецидив жиноят, хавфли рецидив жиноят ёки ўта хавфли рецидив жиноят деб топиш масаласини ҳал қилишда судланганлик муддатлари жуда аниқ ҳисобланишини талаб қиласди. Чунки жиноятни хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўплаб моддаларида квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган. Шунга кўра, ушбу масалалар Қонунда жуда аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Юқорида айтилганларга асосланиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасининг иккинчи қисмидаги "Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади" - деган сўзлар ўрнига куйидаги мазмунда бўлган тушунчани киритиш таклиф қилинади.

"Жавобгарликдан озод қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 69,70,71 ва 87-моддалари асосида жазодан озод

қилинган шахслар судланмаган деб ҳисобланади".

Ушбу моддалар асосида жазодан озод қилингандарни судланмаган деб ҳисоблаш кераклиги түгрисида қилинган таклифнинг боиси шундаки, аввало бундай таклиф жиноят қонунларини либераллаштириш сиёсатига мувофиқ келади. Шунингдек ушбу моддалар асосида жазодан озод қилинган шахслар ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган шахслар бўлиб, уларни назорат қилишга ҳожат қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 69-моддаси асосида жазодан озод қилинган шахсни судланмаган деб ҳисоблашнинг боиси шундаки, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ушбу моддада назарда тутилган муддатлар мобайнида шахс янги жиноят содир қилмаган, жазони ўташдан бўйин товламаган бўлиб, жамият учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди ва шунга кўра, бундай шахсларни судланган деб ҳисоблашнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 70-моддаси асосида жазодан озод қилинган шахсни судланмаган деб ҳисоблашнинг таклиф қилинаётганлигининг боиси шундаки, жиноят содир қилган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгариб қолганлиги ёки шахс намунавий хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотди деб эътироф этилади. Бу ерда қонунда ҳеч қандай ўзгариш юз бермай, шароитнинг узгарганлиги ёки шахс хулкида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берганлиги асос қилиниб, жазодан озод қилинганлиги туфайли уларни судланган деб ҳисоблашнинг аҳамияти қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддаси асосида жазодан озод қилинган шахсларни судланмаган деб ҳисоблаш кераклигини таклиф қилинишининг боиси шундаки, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилиб, жинояти натижасида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан бартараф этиб, қилмишига пушаймон бўлган ҳолда хукуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз

ихтиёри билан арз қилғанлиги сабабли жазодан озод қилинган шахслар бўлиб, бундай шахсларга нисбатан судланганлик ҳолатини тадбиқ этиб, уларни назорат қилишга ҳожат қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 87-моддаси асосида жазодан озод қилинган вояга етмаган шахсларни ҳам судланмаган деб ҳисоблаш кераклиги тўғрисида таклиф қилинаётганлигининг боиси шундаки, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошка холатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, суд жазодан озод қилиши ва "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 88-моддасида назарда тутилган жиноий жазо ҳисобланмаган мажбурий чоралардан бирини қўллаши мумкин. Шунинг учун ҳам мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ҳам судланмаган деб ҳисоблаш кераклиги таклиф қилинмоқда.

Маълумки, амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилинган бўлса, шахснинг судланганлик ҳолати сақланиб қолади. Агарда жиноят содир қилишда айбланган шахс жазо тайинланмай амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинган бўлса, у судланмаган ҳисобланади. Аммо жазо тайинланиб, сўнгра амнистия акти асосида жазодан озод қилинган бўлса ва амнистия акти асосида жазодан озод қилиш билан бирга судланганлигини ҳам олиб ташлаш назарда тутилмаган бўлса шахс судланган ҳисобланади.

Жазодан амнистия акти асосида жазодан озод қилинган шахсларда (бунда хукмнинг қонуний кучга кирган ёки кирмаганлигидан қатъи назар) жазони хали ҳеч бўлмаганда бир қисмини ўтаган ёки ўтмаганлигидан қатъи назар судланганлик ҳолати сақлаб қолинади. Амнистия акти асосида жазодан озод қилинган шахслар хали синовдан утмаган, жиноят содир этганидан то амнистия акти қўлланган вақтгача муайян вақт ўтмаганлиги туфайли уларнинг шахси ҳақида аниқ маълумотларга етарли даражада эга

бўлинмаганлиги туфайли, уларнинг судланганлик ҳолатини сақланиб қолиши асослидир.

Ана шу юқорида баён қилингандардан кўриниб турнибди, судланганлик институти жиноят ҳуқуқида ғоят муҳим институтлардан бири бўлиб, бу институт нормаларини қонунда жуда аниқлик билан ифода қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида шахснинг судланганлик ҳолатининг муддатлари белгиланган бўлиб, ушбу муддатлар жазони ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади. Судланганлик муддатлари жазо тури ва озодликдан маҳрум қилишнинг муддатларига боғлиқ бўлади:

- шартли ҳукм қилингандар синов муддати мобайнида судланган ҳисобланадилар ва синов муддати тугаши билан судданмаган ҳисобланадилар.

- хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жунатиш жазосини ўташ вақтида шахс судланган ҳисобланади ва жазони ўтаб бўлиши ёки жазодан турли асосларга кўра жазодан озод қилинган кундан бошлаб шахс судданмаган ҳисобланади.

- жарима жазоси ижро этилган кундан кейин бир йил ўтгач, агарда жарима жазосини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилган бўлса, жариманинг барча миқдорини тўлаб бўлинган кундан бошлаб бир йилгacha шахс судланган ҳисобланади.

- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлок тузатиш жазоларини ўтаб чиқкан кундан бошлаб, ёки бирон-бир асосга кўра жазодан озод қилинган кундан бошлаб бир йилгacha шахс судланган ҳисобланади.

- камоқ жазоси ўтаб бўлинган кундан бошлаб шахс икки йилгacha судланган ҳисобланади. Бу жазоларнинг судланганлик муддатини ҳисоблаш масаласида шуни алоҳида таъкиддаш керакки, судланганлик муддатлари жазонинг ўталган ёки ўталмаган қисмига боғлиқ эмас. Яъни жарима жазосининг миқдоридан қатъи назар яъни тайинланган жариманинг миқдори

энг кам ойлик иш хакининг беш бараваригача бўлишидан қатъи назар судланганлик муддати бир йил;

- Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш бир йилга ёки беш йил муддатга тайинланганидан қатъи назар ёхуд суд томонидан тайинланган жазонинг қанча муддатини хақиқатда ўтаб бўлганидан қатъи назар судланганлик муддати бир йил.

- ахлоқ тузатиш жазоси олти ой ёки уч йил тайинланганидан қатъи назар шунингдек бу жазони қанча миқдорини ўтаб бўлганидан қатъи назар судланганлик муддати бир йил белгиланган.

Қамоқ жазоси вояга етмаганларга нисбатан 3 ойгача, вояга етганларга нисбатан 6 ойгача тайинланади. Қамоқнинг суд томонидан тайинланган муддатидан ва шахс жазони қанча қисмини ўтаб чиққанлигидан қатъи назар судланганлик муддати икки йил белгиланган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг судланганлик муддати бу жазонинг хакикатда ўтаб бўлинган қисми билан боғлаб белгиланган бўлиб, беш йилдан куп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин турт йил утгач;

- беш йилдан ортиқ лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - етти йил ўтгач.

- ўн йилдан ортиқ лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - ўн йил ўтгач шахснинг судланганлик ҳолати тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасининг мазмунига кўра ушбу муддатлар тугаши билан шахс судланмаган ҳисобланади. Бунда шахсни суд идорасига келиб судланганлигини олиб ташлаш тўғрисида мурожаат қилишининг ҳожати бўлмай, Қонунда белгиланган муддатнинг тугаши билан судланганлик ҳолати автоматик равища тугайди.¹ Аммо шахс ун беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлса ёки ўта хавфли

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 87-моддаси.

рецидивист деб топилган бўлса, уларнинг судланганлиги автоматик равища ўз-ўзидан тугамайди. Уларнинг судланганлигини суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасида белгиланган тартибда олиб ташлайди. Бу ҳақда ушбу ишнинг кейинги параграфларида баён қилинади.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги муддати, ушбу жазонинг хакикатда ўталган муддатлари билан боғлаб табақалаштирилган бўлса, бошқа турдаги жиноий жазоларнинг суд томонидан тайинланган муддати ёки ўша жазо турининг ҳақиқатдан қанча қисми ўталганлиги билан боғлиқ бўлмай, қонунда қатый муддатлари белгилаб қўйилган. Бизнинг назаримизда, қонунда бундай белгиланиши тўғри. Чунки озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларнинг муддатлари жуда қисқа бўлиб, судланганлик муддатлари ҳам шунга мувофиқ қисқа белгиланган.

Шахснинг судланганлик ҳолати муддатлари қонунда аниқ белгилаб қўйилган бўлишига қарамай, амалда шахснинг судланганлик муддатларини жуда аниқ ҳисоблаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасининг иккинчи қисмида "Жазо тайинланган айлов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади", - дейилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларга ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб, жиноий жазони ўташ даври ҳам кирадими ёки йукми деган савол туғилади. Бу саволга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасида аниқ жавоб ёзилган бўлиб, бу модданинг биринчи қисмида судланганлик ҳолати асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган кундан бошланиши ҳақида баён қилинган. Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида белгиланган судланганлик муддатини ҳисоблаш асосий ва қўшимча жазони ўтаб бўлган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу муддатлар жазони ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланса-да, судланганлик ҳолати асосий ва қўшимча жазонинг ўташ муддатига ҳам

жорий қилиниб, шахс жазони ўташ вақтида янги жиноят содир қиласа, ушбу жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш вақтида судланганликнинг барча оқибатлари жорий қилинади.

Судланганлик ҳолати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмининг кўпгина моддаларида қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган белги бўлганлиги туфайли, судланганлик ҳолати муддатларини йилма-йил, ойма-ой ва кунлар билан аниқ ҳисоблаш керак бўлади.

Шу муносабат билан судланганлик ҳолати муддатларини суд томонидан тайинланган муддатлар ҳисобидан олиш керакми ёки жазони хақиқий ўталган қисмидан олиш керакми деган хақли савол тугилади. Чунки ҳар доим ҳам шахс суд томонидан тайинланган жазо муддатини тўла ўтамасдан, қонунда белгиланган турли асосларга кўра олдинроқ озод қилиниши ёки жазони ўтамай туриб жазодан озод қилиниши мумкин.

Бундай асослар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 69-моддасида (жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш); 70-модда (шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиш муносабати билан уни жазодан озод қилиш); 71-модда (айбдорни чин қўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш); 72-модда(шартли ҳукм қилиш); 73-модда (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш); 74-модда (жазони енгилрорги билан алмаштириш); 75-модда (касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш); 76-моддада (амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиш) жазодан озод қилиш назарда тутилган бўлиб, шахс ана шу юқорида баён қилинган асослар бўйича жазодан озод қилиниб, янги жиноят содир этса, қейинги содир этилган жиноятни квалификация қилиш ва бу жиноят учун жазо тайинлашда судланганлик муддатлари аниқ ҳисоблаб чиқилиши керақ Чунки бундай асослар буйича жазодан озод қилинганда озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқий ўталган қисми, суд томонидан тайинланган муддатдан анча қисқа.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасининг иккинчи қисмида белгиланишича "Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади", — дейилади.

Буни куйидаги мисол билан курсатиш мумкин. Масалан, айтайлик шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси иккинчи қисми билан ҳукм қилиниб, олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлиб, жазони учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси асосида муддатидан илгари шартли равища жазодан озод қилинган бўлса, судланганлик ҳолати муддатини суд томонидан тайинланган олти йил озодликдан маҳрум қилишдан эмас, балки жазони хақикатда бўлган учдан бир қисмидан олиш керак бўлади. Ушбу мисолда агар судланганлик ҳолати муддатларини суд тайинлаган озодликдан маҳрум қилишдан олинса етти йил олишга тўғри келар ва шахс жазодан озод бўлган кундан бошлаб етти йилгача судланган деб ҳисобланган бўлар эди. Аммо қонунда инсонпарварлик принципларига асосланиб, судланганлик ҳолати муддатларини жазони ҳақиқатда ўталган қисмидан ҳисоблашни белгилаб қўйилган. Ушбу келтирган мисолимизда жазонинг ҳақиқий ўталган қисми беш йилдан кам бўлганлиги туфайли судланганлик ҳолати тўрт йил деб олинади.

Демак, жазонинг ҳақиқий ўталган қисми беш йилдан кам бўлса судланганлик ҳолати шахс қандай асосларга биноан жазодан озод қилинганлигидан қатъи назар тўрт йилдан иборат бўлади.

Шу муносабат билан яна бир муҳим савол туғилади. Ана шу тўрт йиллик муддатни качондан бошлаб ҳисоблаш кераклиги муаммоси келиб чиқади. Чунки шахс шартли ҳукм қилинганда шартли ҳукмнинг синов муддати мобайнида судланган ҳисобланади. Шунга кўра шартли озод қилинган вақтда ҳам судланганлик ҳолати мавжуд бўлади.

Агарда 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 53-моддасида судланганлик ҳолати қачондан бошлаб ҳисоблаш кераклиги назарда тутилмай, фақат собиқ СССР Олий судининг Пленуми қарорида кўрсатилган бўлса, амалдаги Жиноят кодекси 80-моддасининг мазмунига кўра жазодан муддатидан илгари озод қилинган кундан бошлаб судланганлик ҳолати бошланади. Демак, судланганлик ҳолати шартли муддат мобайнида ҳам ўта бошлайди. Аммо шахсга нисбатан муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш тарзидағи қўшимча жазо тайинланган бўлса, судланганлик ҳолати қўшимча жазо ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлса судланганлик ҳолати енгилроқ жазо билан алмаштирилган муддат ўтаб бўлинган кундан судланганлик ҳолатини ҳисоблаш бошланади.

Менинг назаримда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасининг иккинчи қисмida судланганлик ҳолатини ҳисоблаш масаласини аниқлаштириб бера олмайди. У ерда шундай дейилади. "Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса судланганлик муддати, муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади" — дейилади. Конуннинг ушбу мазмунидан кўриниб турибдики, енгилроқ жазо билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши айтилади. Аммо амалда ҳеч қачон шахснинг судланганлик ҳолати алмаштирилган енгилрок жазонинг ўталган қисмидан олинмайди.

Шахсни судланган деб ҳисоблашда қонунда айрим ҳолларда қандай турдаги жазони ўтаб чиққанлиги муҳим бўлса, айрим ҳолларда қандай турдаги жиноятни содир қилганлиги учун судланганлиги муҳимдир. Масалан, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда қандай турдаги жазони ўтаб чиққанлиги муҳим бўлса, шахсни хавфли рецидивист деб ҳисоблашда қандай турдаги жиноят учун судланганлиги муҳимдир. Шахсга

нисбатан маъмурий назорат ўрнатишида эса ҳам кандай жиноят учун судланганлиги, ҳам факат озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсанлиги муҳимдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи кўпгина мамлакатларнинг Жиноят кодекслари Махсус қисмининг кўпгина моддаларида муайян жиноят учун судланган шахслар томонидан яна ўша жиноятга айнан ўхшаш жиноятни содир этиш квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган. Афсус билан айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида муайян жиноят учун олдин судланганлик ўша жиноят таркиби доирасига квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилмаганлиги туфайли айрим холларда адолатсиз жазо тайинланишига сабаб бўлмоқда.

Суд амалиётини рецидив жиноят учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, шахс муайян бир жиноят учун судланиб, яна ўша жиноятга ўхшаш жиноятни содир қиласа, муайян модданинг "хавфли рецидивист томонидан қилинса", деган банди билан жавобгар қилинмокда. Ваҳоланки, шахс муайян жиноятни содир қилиш вақтида ҳали хавфли рецидивист деб ҳисобланмай, шу жиноятни содир этиши муносабати билан хавфли рецидивист бўлиб қолган. Жиноят содир қилиш пайтида ҳали хавфли рецидивист деб ҳисобланмаган шахсни, муайян модданинг "хавфли рецидивист томонидан қилинса" деган банди билан жавобгар қилиш ўта адолатсизликдир.

Ана шу айтилганларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Махсус қисмининг ўшандай қилиш "хавфли рецидивист томонидан қилинса, - деган норма назарда тутилган қисмидан олдинги қисмида шундай жиноят учун "Олдин судланган шахс томонидан содир қилинса", - деган банд билан тўлдириш таклиф қилинади. Ана шундай қўшимча киритилса, адолатсиз жазо тайинлаш ҳоллари бартараф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида

жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган вақтда судланганлик муддатларини ҳисоблаш жазони қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган жазодан эмас, балки, ҳукм билан дастлаб тайинланган жазонинг ўталган қисмидан олинади.

Бундан ташқари, дастлабки ҳукм буйича тайинланган жазо муайян жиноят учун ўша жиноятнинг оғирлик даражаси, келтирилган зарап ёки зиённинг миқдори, айборнинг шахси ва айбилик даражасини ҳисобга олган ҳолда тайинланиб, шахс фақат ўша жиноят учун судланган ҳисобланади. Яна шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, оғирроқ жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Масалан, айтайлик тўрт йил тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг қолган икки йили, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши билан алмаштирилган бўлса судланганлик ҳолатини алмаштирилган ахлоқ тузатишнинг ўталган қисмидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилишни ҳақиқатдан ўтаб бўлинган қисмидан олинади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасининг иккинчи қисмидаги "ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади" — деган қисмини чикариб ташлаш таклиф қилинади ва шу модданинг 2-қисмини қуидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади:

"Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати ҳукм буйича тайинланган оғирроқ жазонинг хакикатда ўталган қисмидан ҳисобланади. Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган судланганлик ҳолати муддатининг бошланиши, муддатидан илгари шартли озод қилинганда, шартли озод қилинган кундан, енгилроқ жазо алмаштирилган тақдирда, алмаштирилган енгилроқ жазо муддати ҳам ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади". Шундай қилиб, шахс янги жиноят содир қилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган бир қатор жиноят-ҳукукий оқибатлар келиб чиққанлиги туфайли Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларни ҳисоблашнинг бошланиши ва тамом бўлиш вақтини жуда тўғри аниқлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларни ҳисоблашнинг бошланиш вақтини кискача қилиб қуидаги вақтдан бошлаб ҳисоблаш керак бўлади.

1. Шартли ҳукм қилинган бўлса, синов муддати белгиланган кундан бошлаб синов муддати тугаши билан агар шахсга нисбатан тайинланган жазодан озод қилинган бўлса, синов муддати тугаган кундан шахс судланмаган ҳисобланади.

2. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жунатиш жазосини ўташ вақтида шахс судланган ҳисобланади ва янги жиноят содир қилса, судланганликнинг барча оқибатлари келиб чиқади. Ушбу жазони ўтаб бўлинган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади.

3. Жарима жазосига ҳукм қилинган шахснинг судланганлик ҳолати жарима ижро этиб бўлинган кундан бошланади. Агарда суд айрим сабабларга кўра жарима микдорини бўлиб-бўлиб тўлаш ёки тўлашни кечиктирган бўлса (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 533-моддаси 2-қисми асосида) жариманинг охирги қисмини тўлаб бўлган кундан бошлаб, судланганлик ҳолати бошланади ва шахс бир йилгача судланган ҳисобланади. Бир йиллик муддатнинг охирги куни кеч соат 24.00 дан бошлаб судланганлик ҳолати тугайди.

4. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганда, судланганлик ҳолати жазодан шартли озод қилинган кундан бошлаб ҳисобланади. Бунда судланганлик муддати озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ҳакиқий ўталган қисмидан ҳисобга олиниб судланганлик муддати турт йил, етти йил, ёки ун йил бўлиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишининг қанча қисмини ўтаганлигидан катъи назар судланганлик ҳолати бир йил белгиланган. Интизомий қисмга жунатиш ёки хизмат бўйича чеклашдан муддатидан илгари шартли озод қилинган кундан бошлаб шахс судланмаган

хисобланади.

Муддатидан илгари шартли озод қилинганда қўшимча жазодан озод қилинмаган бўлса, 78- моддада назарда тутилган муддат қўшимча жазо ўтаб бўлинган кундан судланганлик ҳолати бошланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилган бўлса, судланганлик ҳолати ҳукм бўйича тайинланган судланганлик ҳолати ҳукм бўйича тайинланган жазодан олиниб, судланганлик ҳолатининг муддати алмаштирилган енгилроқ жазо ўтаб бўлинган кундан бошланади. Агар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш билан бирга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинланган бўлса, қўшимча жазо ҳам алмаштирилган ахлоқ тузатиш иши билан биргаликда ижро этилади ва шахснинг судланганлик ҳолати алмаштирилган ахлоқ тузатиш иши ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ўтаб бўлинган кундан бошлаб судланганлик ҳолатини ҳисоблаш бошланади.

6. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилинганда, жазодан озод қилинган кундан бошлаб, шахснинг судланганлик ҳолати бошланади. Аммо "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 75-моддаси (касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида) жазодан озод қилинганда, судланганлик ҳолатини ҳисоблашнинг бир қатор муаммолари келиб чиқади.

2-БОБ. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва уни олиб ташлаш ҳолатлари.

2.1 Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари.

Ушбу ишнинг биринчи параграфида таъкидлаганимиздек судланганликнинг икки йўналишдаги оқибатлари бўлиб, улар судланганликнинг умумий оқибатлари ва судланганликнинг ҳуқуқий оқибатларидир.

Судланганликнинг умумий оқибатлари муайян муддатлар ёки шахснинг ижтимоий ахволи ёки жазодан озод бўлганидан кейинги хулқ атвори билан bogлиқ bўlmайди. Шахс муайян жиноят учун судланиб Жиноят кодексида назарда тугилган жазолардан бирига хукм қилинган бўлса, у судланган бўлиб қолади. Бундай судланганликнинг оқибати шундан иборатки, шахс расмий хужжатларни тўлдириш вақтида судланганлигини қайд қилиши керак. Бунда жазони ўтаб чиққанидан қанча вақт ўтиб кетганлигининг аҳамияти йўқ. Оғир ёки ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида ва жазодан озод бўлганларидан кейин ёмон хулқ-атвори учун уларнинг устидан маъмурий назорат ўрнатилишига сабаб бўлиши мумкин. Маъмурий назорат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахслар, ўта хавфли рецидивистлар ёки бир неча марта хар қандай қасдан қилган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахслар устидан жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига ўтиб олишни хоҳламай жазони ўташ тартибини муттасил равища бузган шахсларга нисбатан ёки жазони ўтаб чиққанидан кейин жамоат тартибини муттасил бузиб, нолойиқ турмуш кечирган шахслар устидан ўрнатилади. Демак маъмурий назорат ўрнатиш шахснинг янги жиноят содир қилганлиги учун мажбурий равища қўлланадиган мажбурлов чора бўлмай, асосан жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилишга хукм қилинган шахснинг ёмон хулкининг оқибати хисобланади. Шунга кўра маъмурий назорат ўрнатишни судланганликнинг маҳсус оқибати деса

бўлади.

1992 йил 9 декабрда "Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонуннинг 3-моддаси "б" бандида "Оғир жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга хукм этилган ёки ҳар кандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта хукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сунг ички ишлар идораларининг жамият учун заарли кун кечиришни тухтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришга қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фукароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар" маъмурий назорат остига олиниши тўғрисида баён қилинган.¹

Қонуннинг ушбу мазмунидан кўриниб турибдики, судланганликнинг маҳсус оқибати улар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва шу йўл билан шахсни халол турмуш кечириш йулига ўтиб олишида ёрдам беришдан иборат ва маъмурий назорат ўрнатиш ҳам шахс судланганлигининг оқибатидир.

Судланганликнинг хуқуқий оқибати асосан шахс янги жиноят содир қилганда вужудга келади. Агар судланган шахс судланганлик муддати мобайнида янги жиноят содир қилмаса, бирон-бир жиноят хуқуқий оқибат келиб чиқмайди.

Судланган шахс қасддан янги жиноят содир қилса, қуйидаги оқибатлар келиб чиқади.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддасининг биринчи қисмига биноан қилмиш рецидив жиноят ҳисобланади. Лекин бунда олдинги жинояти ҳам, кейинги жинояти ҳам қасддан содир қилинган бўлиши керак. Жиноятлардан бири қасдан, иккинчиси эхтиётсизликдан содир этилган бўлса рецидив жиноят деб ҳисоблаб бўлмайди.

1959 йилда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган

¹ Каранг: Ўзбекистоннинг янги қонулари 7-сони. Тошкент, "Адолат" 1993 йил, 159-бет.

Жиноят кодексида ушбу масалалар бошқачароқ эди. Шахснинг олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетган ёки ўтиб кетмаганлигидан катъи назар шахс янги жиноят содир қилса, бунда олдинги жинояти учун неча йил ўтиб кетганлигидан қатъи назар, судланганликнинг ҳуқуқий оқибати келиб чикар эди.

1994 йил 1 сентябрда қабул қилинган ва хозирги кунда ҳам амалда бўлган Жиноят кодексининг 77-моддасининг тўртинчи қисмида, "Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади", дейилган бўлса, 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида бундай қоида назарда тутилмаган эди. Бундан ташқари, 1971 йил 19 октябрдаги собиқ СССР Олий суди Пленумининг "Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари турини тайинлаш тўғрисида"ги қарорнинг олтинчи бандида "Судларга тушунтирилсинки, олдин озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсан деб ҳисоблаш учун шахс озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва бу жазони ахлоқ тузатиш колониясида, турмада ёки тарбия-меҳнат колониясида ўтаб чиқсан бўлиши керақ бунда ҳукм чиқариш вақтида олдинги жинояти учун судланганлик муддатининг ўтиб кетган ёки ўтиб кетмаганлигининг ёхуд қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки олиб ташланмаганлигининг аҳамияти йўқ" - дейилади.

Ушбу тушунтиришдан кўриниб турибдики, шахс йигирма йил олдин бир ёки икки йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, яна янги содир қилинган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинса қаттиқ тартибли жазони ўташ колонияси тайинланади деган мазмун келиб чиқади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 50 ва 77-моддаларида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахс янги жиноят содир қилган такдирда ҳам бирон-бир жиноят ҳуқуқий оқибатлари келиб чиқмайди ва шахс янги жиноят

содир қилса умумий тартибда жавобгарликка тортилади.

Олдин муайян қилмиш жиноят ҳисобланиб муайян турдаги жазога ҳукм қилинган ва жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шахс судланмаган ҳисобланади ва янги жиноят содир қилган тақдирда, жавобгарлик масаласи умумий тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси бешинчи қисмининг "в" бандида назарда тутилган "илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасдан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётган шахсларга нисбатан жазони каттиқ тартибли колонияларда", ўташ тайинланади деган олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетмаганлиги ва жиноятларнинг фақат қасдан содир этилганлиги назарда тутилади.

Ушбу юқорида айтилган коидалар ўн беш йилдан кам бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга, ўлим жазосига ҳукм қилиниб, бирон бир сабабга кўра ҳукм ижро этилмай қолган шахсларга нисбатан, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жинояти учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Қонун мазмунига кўра бундай жинояти учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлик ҳолати қонунда белгиланган муддат ўтиб кетгандан кейин ўз-ўзидан тамом бўлган ҳисобланмай уларнинг судланганлигини фақат суд олиб ташлаши мумкин.

Шахс олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетмасдан янги жиноят содир қилса судланганлик ҳолати муддатларини ҳисоблаш тартиби кандай бўлади? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасининг 4-қисмида аниқ белгилаб қуйилган бўлиб, унда "Агар жазони ўтаб чиқсан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тутатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охирги содир этилган жиноят учун (асосий ва кушимча)

жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади", — дейилади. Демак ушбу қонун нормасининг мазмунига кўра шахс ҳар қандай жинояти учун судланганлик муддати утмасдан янги жиноят содир этса, судланганлик ҳолати муддатларининг ўтиши тўхтатилади. Бундай холда дастлабки содир қилган жинояти учун судланганлик муддатининг қанчаси ўтиб кетганлигидан қатъи назар, кейинги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатини (асосий ва кушимча жазоларни) ўтаб бўлган кундан бошлаб, ҳар иккала жинояти учун судланганлик ҳолати муддатларининг ўтиши бошланади. Бундай холда судланганлик ҳолати муддатларини, яъни ЖК 78-моддасида белгиланган муддатларни ҳисоблаш муддати қандай ҳал қилиниши керак деган ҳақли савол туғилади. Бундай холда судланганлик ҳолати муддатларини ҳисоблаш учун қуидаги холатларга эътибор берилиши керак) шахс дастлабки ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ вақтида янги жиноятни содир қилганлиги; б) шахс дастлабки ҳукм бўйича тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин, судланганлик ҳолати тугамасдан янги жиноят содир этганлиги. Бу ҳар иккала холатни аниқламасдан туриб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларни ҳисоблашнинг иложи бўлмайди. Чунки биринчи ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлмасдан янги жиноят содир этилса, жазо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддаси қоидалари бўйича тайинланган жазо муддатлари қисман ёки тўла қўшилиб, судланганлик муддати озодликдан маҳрум қилишнинг умумий муддатидан олинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддаси мазмунига кўра, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиш жазоси ўталганидан кейин судланганлик ҳолати - тўрт йил, беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ўталганидан кейин - етти йил, етти йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - ўн йил мобайнида шахс судланган ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра, судланганлик ҳолатининг муддатлари маълум

даражада содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишнинг қандай жиноят эканлиги (жиноятни вояга етмаган шахс томонидан содир этилганлиги, қасдан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлиги) билан боғламай, озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқий ўталган қисми билан боғлаб белгиланмокда. Шундай экан, бир неча ҳукмлар бўйича (60-модда асосида) жазо тайинланганда шахс дастлабки ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатини тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгари ҳукм жазосидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Буни қуйидаги мисол билан тушунтириш мумкин: айтайлик шахс биринчи ҳукм бўйича уч йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, бу жазонинг бир йилини ўтагандан кейин қасдан қилган янги жинояти учун тўрт йил озодликдан маҳрум қилишни тайинлаб, дастлабки ҳукмдан қолган икки йилни қисман қўшиш орқали беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаган бўлса, жазонинг ҳақиқий ўталган қисмини беш йилдан ошиб кетганлиги учун судланганлик муддати ЖК 78-моддаси “е” бандига кўра етти йил бўлади. Ҳукмлар жами бўйича тайинланган жазо муддатининг ҳақиқий ўталган қисми ўн йилдан ошиб кетган бўлса, судланганлик муддати ўн йил белгиланган.

Биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазо муддати (асосий ва қўшимча жазолар) ўтаб бўлинганидан кейин, судланганлик муддати тугамасдан янги жиноят содир этилганда эса судланганлик муддатларини ҳисоблаш тартиби бошқачароқдир. Бундай ҳолда ҳар икки ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қўшиб эмас, балки содир этилган жиноятларнинг қайси бирининг судланганлик муддати кўпроқ бўлса, ҳар икки ҳукм бўйича тайинланган жазонинг судланганлик ҳолати ўшанча бўлади. Буни қуйидаги мисол орқали тушунтириш мумкин: айтайлик шахс уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқди. Бундай ҳолда унинг судланганлик ҳолати муддати тўрт йил бўлади. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддаси "д" банди).

Шахс судланганлик муддати тугамасдан янги содир қилган жинояти учун суд турт йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган бўлса, бунда ҳам судланганлик муддати тўрт йил. Демак, шахс кейинги жинояти учун жазони ўтаб чиқкан кунидан бошлаб хар иккала жинояти учун турт йил мобайнида судланган ҳисобланади.

Агарда биринчи ҳукм бўйича шахс суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг олти йилини ўтаб чиқиб судланганлик муддати ўтмасдан (бундай ҳолда судланганлик ҳолати етти йил) қасдан содир қилинган жинояти учун уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган бўлса, шу жазони ўтаб чиқкан кундан бошлаб, етти йилгача шахс хар икки жинояти учун судланган холатда бўлади.

Муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган шахс, шартли озод қилинган вақтда янги жиноят содир қилса, судланганлик ҳолати муддатларини ҳисоблаш қандай бўлади? Муаммо шундаки. муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилинган шахснинг биринчи ҳукм бўйича жазони ўташи билан кейинги жинояти учун тайинланган жазони ўташ ўртасида узилиш юз берган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасининг бешинчи қисмида "Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди", — дейилади.

Демак, ушбу қонун нормасининг мазмунига кўра, шартли озод қилинган шахс, шартли муддат мобайнида янги содир қилинган жинояти учун тайинланган жазо муддатига шартли муддатнинг қанча қисми ўтиб кетганлигидан қати назар, олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг қолган қисмини тўла ёки қисман қўшиб ягона жазо тайинлайди. Бундай ҳолда, судланганлик муддатини жазоларнинг барча ўталган қисмлари қўшилиб, сунг судланганлик ҳолати муддати аниқланади.

Буни қўйидаги мисол орқали тушунтириш мумкин: айтайлик шахс олти

йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган (масалан, 266-моддасининг иккинчи қисми билан.) Суд томондан тайинланган жазонинг 3 йилини ўтаб бўлгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси асосида жазони шартли муддатнинг икки йили ўтиб кетганидан кейин, шахс қасдан янги жиноят содир этганлиги учун суд тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этишга хукм қилган. Олдинги хукм буйича тайинланган жазонинг қолган уч йилини кейинги хукм буйича тайинланган жазога қисман қўшиб жами олти йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган ва жазони тўла ўтаб чиқади.

Яна шундай ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган судланганлик ҳолати муддатларини ҳисоблашда озодликдан маҳрум қилишнинг барча муддатлари қўшилиб, ўша қўшилган муддатлар ҳисобидан олинади. Яъни, биринчи хукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг ўталган уч йили, кейинги хукм буйича тайинланган жазонинг ўталган қисмига қўшиб ҳисоблаганда мисолда келтирилган шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталган қисми 9 йил бўлиб, Жиноят кодексининг 78-моддасига кўра судланганлик ҳолати муддати 7 йил бўлади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ вақтида янги жиноят содир қилинган тақдирда ҳам судланганлик ҳолати худди шундай таҳлитда ҳисобланади. Айтайлик жазони ўтаётган шахс қасдан жиноят содир этганлиги муносабати билан тайинланган озодликдан маҳрум қилишни ўталган қисми ва биринчи хукм буйича тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг ўталган қисмини қўшиб, умумий қилган муддатдан судланганлик ҳолати муддатлари олинади.

Аммо ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида хукм қилиниб, жазони алоҳида-алоҳида ўтаб чиқилган бўлса, судланганлик ҳолати муддатлари алоҳида-алоҳида ҳисобланаб, ўталган жазоларнинг қайси бирининг судланганлик ҳолати муддатлари кўпроқ бўлса, ҳар икки жинояти учун шу муддат судланганлик муддатлари ҳисобланади.

Бир неча жиноятлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинланганда шахснинг судланганлик ҳолати ҳар бир жиноят учун тайинланган озодликдан маҳрум қилищнинг муддатларидан алоҳида-алоҳида ҳолда эмас, балки жиноятлар жами юзасидан қатъий тайинланган жазо муддатининг ҳақиқатда ўталган кисмидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган судланганлик ҳолати муддатлари олинади.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир қилган тақдирда ҳам судланганлик ҳолати худди шундай тартибида олинади. Бунда олдинги ва кейинги жиноятни қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигининг аҳамияти йуқ. Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси асосида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс эҳтиётсизликдан жиноят содир қилса, уларга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида жазо тайинланганлиги туфайли, бундай шахсларнинг судланганлик ҳолати муддатларини қандай ҳисоблаш керак деган ҳақли савол туғилади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасининг бешинчи қисмида "Жазони ўташдан муддатдан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасдан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди," - дейилади. Конун нормасининг ушбу мазмунига кўра шартли озод қилинган шахс фақат қасдан янги жиноят содир қилсагина 60-модда тартибида жазо тайинланади. Шартли муддат мобайнида эҳтиётсизликдан жиноят содир этилган бўлса шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида жазо тайинланмай, фақат эҳтиётсизликдан содир қилинган жиноятнинг ўзи учун ҳукм қилинади.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда шахснинг судланганлик ҳолати муддатлари алоҳида-алоҳида олиниб, яъни олдинги ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталган қисми ва кейинги жиноят учун тайинланган жазонинг

ўталган қисмларини қўшиб ҳисобламасдан, алоҳида-алоҳида ҳисобланиси қерак ва бунда қонун мазмунига кўра қайси жиноят учун судланганлик муддати кўпроқ бўлса, хар икки жиноят учун шу муддат судланганлик ҳолати муддатлари бўлиши қерак Амнистия акти асосида ёки авф этиш орқали жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахс шартли муддат мобайнида эҳтиётсизликдан жиноят содир этган тақдирда ҳам судланганлик ҳолати муддатлари худди шундай таҳлитда ҳисобланади.

Қонунда судланганлик ҳолати муддатлари қасдан ва эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар учун алоҳида-алоҳида ажратилмаганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилишни манзил колониясида ўтаётган вақтда қасдан ёки эҳтиётсизликдан жиноят содир этилган тақдирда ҳам судланганлик ҳолати муддатларини ҳисоблаш юкорида баён қдлинган тартибда ҳисобланади. Лекин манзил колонияси озодликдан маҳрум қдлиш жазосини ўташ муассасаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, судланганлик ҳолати, шахснинг муайян жиноятни содир қилганлиги учун суд томонидан жиноят қонунида назарда тутилган муайян жазога ҳукм қилинганликдан келиб чикадиган, қонунда назарда тутилган холларда жиноят ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўладиган ҳуқуқий ҳолатдир, деб айтиш мумкин.

2.2 Қонун бўйича судланганликни олиб ташлаш ҳолатлари.

Қонун мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар тугаши билан шахс судланмаган ҳисобланади. Ушбу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс янги жиноят содир этган тақдирда Жиноят кодексида назарда тутилган бирон-бир ҳукуқий окибат келиб чиқмайди. Бундан ташқари, шахснинг судланганлиги айрим ҳолларда ишга киришига тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Айниқса, иқтисодий жинояtlари учун судланган шахсларга нисбатан ёки муайян касб билан шуғулланадиган ёки муайян мансабда ишлаган шахсларга нисбатан шундай вазифада ишлаш ҳукуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинланган бўлса, судланганлик уларнинг судланишида олдинги фаолияти билан шуғулланишга тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Аммо шахснинг судланишидан олдин иш фаолияти билан шуғулланишига тўла имкониятлари бўла туриб, ўша фаолият билан шуғулланишнинг таъқиқланганлиги жазодан озод бўлиб келган кишининг ҳаёти ва қелажақдаги турмушини оғир ахволга солиб қўйиши мумкин. Ана шундай ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида ва жиноят қонунининг инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, шахснинг судланганлик ҳолати муддатини суд томонидан муддати тугамасдан олиб ташланиши мумкин. Бу хақда ЎзР ЖК нинг 79-моддасининг биринчи қисмида судланганлик ҳолатини муддатидан илгари олиб ташлаш мумкинлиги назарда тутилган.

Қонун мазмунига кўра, 78-моддада назарда тутилган муддатлар тугаши билан шахс судланмаган ҳисобланади, Аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чикқанларнинг судланганлиги ва шу моддада назарда тутилган муддатлар ўтиб кетиши билан автоматик равишда судланганлиги ҳолатининг тугаши тўғрисида баён қилинган. Озодликдан маҳрум қилишнинг ўталган муддати

ўн беш йилдан ошиб кетган бўлса, судланганлик ҳолати ўз-ўзидан бекор бўлмай, фақат суднинг қарори билан судланганлик олиб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасида судланганликни олиб ташлашнинг иккита ҳолати назарда тутилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасидаги назарда тутилган муддатлар тугамасдан олдин шахснинг судланганлигини олиб ташлаш;

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шахсларнинг судланганлигини олиб ташлаш;

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддаси мазмунига кўра, суд фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанларнигина судланганлигини олиб ташлаши мумкин, холос. Озодликдан маҳрум қилишдан бошка турдаги жазоларнинг судланганлигини муддатидан илгари олиб ташлашга хакли эмас. Чунки судланганлик муддати жазодан озод бўлиб келган шахсларнинг айримлари учун уларни тарбиялашнинг давом эттириш жараёни бўлиб, озодликдан маҳрум қилишдан бошка турдаги жазоларни ўтаб чиқкан шахсларнинг судланганлик муддати Қонунда жуда қисқа белгиланган бўлиб, (камоқ жазосининг судланганлик муддати икки йил, озодликдан маҳрум қилишдан бошка барча жазоларнинг судланганлик муддати бир йил) ана шу қисқа вақт ичида шахснинг тўла тузалган ёки тузалмаганлигини (олдинги жиноий фаолиятини яна бошлаганлиги, жиноий гурух, аъзолари билан алоқаларини тиклаган ёки тикламаганлигини билиб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, бир йил ичида шахснинг тўла тузалган ёки тузалмаганлигини билиб бўлмайди. Шунга кўра қонунда озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларни ўтаб чиққанларнинг судланганлигини олиб ташлаш мумкинлиги назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шахснинг судданганлигини

олиб ташлашда шахсинг кандай жиноят учун озодликдан маҳрум этганлигидан жиноятнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигидан, жазони манзил колониясида ёки жазони ўташ колониясида ўталганлигининг аҳамияти йўқ.

Бизнинг назаримизда, жиноят қонунларини либераллаштириш амалга оширилаётган бир шароитда, шахсинг судланганлик ҳолати муддатларини жиноятни вояга етмаган ёшда содир этганлик ва эҳтиётсизликдан содир этганлигига қараб, табакалаштирилган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки қасдан жиноят содир қилган кишининг шахси, эҳтиётсизлик оркасида жиноят содир қилган кишилар шахсига нисбатан ижтимоий хавфлироқ ва айбор шахсинг тубанлашган даражаси чукурроқ бўлади. Назарий жиҳатдан олганда эҳтиётсизликдан жиноят содир қилган кишиларнинг шахси бузилмаган, улар бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш туфайли тасодифан жиноят содир қилиб қўйган кишилардир. Қасдан жиноят содир қилган шахслар эса уз муаммоларини ҳал қилиш учун жиноят йўлини танлаган шахслардир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим мамлакатларнинг жиноят қонунларида вояга етмаганларнинг судланганлигини белгиловчи модда алоҳида ажратиб берилган. Жумладан Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 95-моддасида ўн саккиз ёшга етмасдан жиноят содир қилган шахсларнинг судланмаган деб ҳисоблаш вакти:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун 86-моддада (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддаси) назарда тутилган муддатлар жазодан озод қилинган кундан бошлаб бир йил;

2) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони ўтаб бўлган қундан бошлаб уч йилгача судланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида ана шундай норма назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг

биринчи қисмида "Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий ёки интизомий таъсир чоралари кўлланилмаган бўлса жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиқсан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камидаги ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин", дейилади.

Демак, шахснинг судланганлигини олиб ташлаш учун, қуйидаги асослар мавжуд бўлиши керак:

1. Шахс албатта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлиги;
2. Ўша шахс учун қонунда белгиланган судлангайлик муддатининг ҳеч бўлмагандаги ярмининг ўтиб кетганлиги;
3. Шахсга нисбатан жазони ўтаб чиқсанидан кейин бирор марта ҳам ижтимоий ёки маъмурий таъсир чоралари кўлланилмаганлиги;
4. Жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиқсан шахснинг ўзи берган илтимосномаси бўлиши керак.

Ана шу шартларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлгандагина суд шахснинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Ушбу шартларнинг биттасини бўлмаслиги судланганликни олиб ташлашни истисно қиласди.

Шахснинг судланганлиги олиб ташланган кундан бошлаб, унинг барча жиноят ҳуқуқий окибатлари бекор бўлади ва агар шахс янги жиноят содир этса умумий асосларга кўра жавобгарликка тортилади.

Юқорида баён қилганимиздек, ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсан шахслар хамда ўта хавфли рецидивистлар, улар жазони ўтаб чиқсанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганини олиб ташлаши мумкин.

Бундай шахсларнинг судланганлигини олиб ташлаш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

1. Шахснинг ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чикқанлиги;

2. Жазони ўтаб чиккан кундан бошлаб ўн беш йил ўтиб кетганлиги;

3. Шу муддат ичида қандай бўлмасин жиноят содир этмаганлиги.

Ана шу шартларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлсагина суд шахснинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Аммо бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўта хавфли рецидивистларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўтаган муддати ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўта хавфли рецидивистлар озодликдан маҳрум қилишнинг қанча муддатини ўтаб чикқанлигидан қатъи назар, жазони ўтаб чиккан кундан бошлаб ўн беш йил ўтгандан кейин юқорида санаб кўрсатилган шартлардан иккинчи ва учинчисининг мавжуд бўлиши керак. Шунингдек суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасида назарда тутилган шахслар жазодан озод бўлган кундан бошлаб ўн беш йил ўтгандан кейин уларни доимий яшайдиган жойидаги судга ариза билан мурожаат қиласидар. Суд ушбу ариза буйича ҳолатларни батафсил текшириб кўриб, юқорида келтирилган шартлар мавжуд бўлса уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Агарда юқорида айтилган шартлардан бири бўлмаса ёки судланганликни олиб ташлашга тўсқинлик қиласидаган бошқа ҳолатлар (муттасил ичкиликбозлик гиёҳванд воситаларни истеъмол қилиб юрганлиги, ҳеч қаерда ишламай носоз турмуш кечирганлиги ва ҳоказолар) мавжуд бўлса, суд унинг судланганлигини олиб ташламаслиги ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар судланганлигини олиб ташлаш тўғрисида судга мурожаат қиласалар, уларнинг судланганлиги ўз-ўзидан бекор бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг иккинчи қисмида умумий тарзда ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанларнинг судланганлигини олиб ташлаш тўғрисида айтилади. Аммо шу муносабат билан бир қатор саволлар туғиладики, бу нормани аниқроқ ифодалаш мумкин бўлади.

Бу саволлар қуидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўн беш йил ва ундан ортиқ муддат шахс томонидан узлуксиз ўталган бўлиши керакми ёки судланганлик муддатлари ўтмаган турли муддатлардан иборат бўлган турли вақтларда ўталган озодликдан маҳрум қилишнинг барчасини қўшиб ҳисоблагандა жазонинг ўталган қисми ўн беш ва ундан ортиқ муддатни ташқил қилган муддат назарда тутилмоқдами?

2. Ушбу муддатга эхтиётсизликдан содир этилган жиноят учун тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг ўталган муддати ҳам ҳисобланадими?

3.Озодликдан маҳрум қилишдан бошка турдаги жазога ҳукм қилиниб, бу жазони озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида ўталган муддат қўшиб ҳисобланадими? Масалан, айтайлик икки ёки уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс бу жазони ўташдан буйин товлаганлиги учун суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган муддатни ҳам кушиб ҳисоблаш керакми? Ва бошқа қатор саволлар туғилдики: қонунда бу саволларга жавоб йўқ ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленуми қарори ҳам ишлаб чиқилмаган.

Судланганлик бир қатор жиноят-хукуқий оқибатлар келтириб чикарганлиги сабабли у жиноят қонунининг муҳим институтларидан бири бўлиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори оркали судланганлик ҳолати масалалари юзасидан алоҳида тушунтириш берилса мақсадгага мувофиқ бўлади.

Менинг назаримда, “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг иккинчи қисмининг таърифи янгидан кабул қилиниши ва аниқ ифодаланиши керак. Судланганлик жиддий оқибатлар келтириб

чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, жиноят қонунинг ушбу нормаларини ҳам либераллаштирилиши керак.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддаси иккинчи қисмининг таҳририни қўйидаги мазмунда ифодалаш таклиф қилинади. "Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун умумий муддати ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқкан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиқканидан кейин ўн йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин". Кўплаб тадқиқотларнинг натижаларига кўра ва бизнинг таъкидларимизнинг натижаларидан маълум бўлишича жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилаётганлар таркибида эллик ёшдан ортиқ ёшда бўлган шахсларнинг микдори жуда оз бўлиб, улар жазодан озод бўлгандан кейин янги жиноят содир этишни хоҳламайдилар.

Кўп ҳолларда жисмоний жихатдан куч-қувватдан қолганлиги туфайли ҳам зўрлик ишлатиш билан бўглиқ бўлган жиноятни содир қилмайдилар. Ўн беш йиллик муддат эса жуда узоқ муддат бўлиб, судланганликни олиб ташлаш тўғрисида судга мурожаат қилишга хоҳиш ҳам қолмайди.

Жазодан озод бўлган кундан бошлаб, ун йил мобайнида ҳар қандай жиноят содир қилмаган шахс, агар у халол меҳнат билан яшаётган, уйланиб, барқарор оиласа эга бўлган бўлса, ўзининг жиноий ўтмишидан тамоман воз кечган бўлади. Шунинг учун бундай шахсларнинг судланганлигини жазодан озод бўлган кундан бошлаб ўн йил ўтгандан кейин олиб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2003 йил 29 август қонуни билан ЖК нинг 50-моддаси янги таҳрирда берилиб, бу модданинг саккизинчи қисмида "Ижтимоий хавфи қатта бўлмаган жиноят содир этганлик эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек, қонун ҳужжатларига

мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиши хуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди", — деган норма билан тўлдирилди. Шунинг учун ҳам фақат оғир ва ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлса ва шундай жиноят учун неча марта хукм қилинганигидан қатъи назар жазоларнинг ўталган қисми ўн беш йилдан ортиқ бўлса, суд шахснинг судланганлигини олиб ташлаши мумкинлиги қонунда назарда тутилиши керак.

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар деганда уларнинг бошка давлатларда содир қилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанлиги ҳам қўшиб ҳисобланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунининг судланганликни белгиловчи нормаларида озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларни ўтаб чиққанларнинг судланганлик ҳолати муддатлари жазонинг қанча қисмини ўтаб чиққанлигидан қатъи назар қатъий муддатларда белгаланган. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлик ҳолати муддатлари эса содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, кандай жиноят содир этилганлиги (қасдан ёки эхтиётсизликдан ёхуд вояга етмасдан содир этилганлиги)дан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақиқатда ўталган қисми ҳисобидан олинган.

Мустакил Давлатлар Ҳамдустлигига кирувчи мамлакатларнинг айримларининг жиноят қонунларида эса озодликдан маҳрум қилишнинг муддатларига қараб эмас, балки содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб тайинланган озодликдан маҳрум қилиш фактига қараб олинган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 86-моддасида судланганлик муддатлари содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб белгиланган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг қанча муддати ўтганлигидан қатъи назар судланганлик муддати

уч йил, оғир жиноятлар учун саккиз йил белгиланган.

Судланганлик ҳолати муддатларини белгилашнинг бундай тартиби маълум мавхумлик ва ноаниқликини келтириб чиқаради. Масалан, бир неча унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жиноятлар жами тариқасида узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахснинг судланганлик муддати ҳам уч йил, бир жиноятда ёрдамчи сифатида иштирок этиб озодликдан маҳрум этилганнинг ҳам судланганлик муддати уч йил. Айникса оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишнинг турли муддатлари белгиланганда судланганлик ҳолати муддатини белгилаганда судланганлик ҳолати муддатини ҳисоблашда адолатсизлик юз беради. Масалан, айтайлик ўта оғир жиноятлари учун жиноятлар жами тариқасида узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланган шахснинг судланганлиги ҳам саккиз йил, биринчи марта жиноятда иштирокчи сифатида (масалан, ёрдамчи сифатида) айбланиб, қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахснинг судланганлик муддати ҳам саккиз йил белгиланган.

Агар судланганлик муддатларини ҳисоблашнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган тартиби билан, Россия Федерацияси Жиноят кодексида белгиланган судланганлик ҳолати муддатларини ҳисоблашни қиёсий солиштирилса, Ўзбекистон Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилишнинг ҳақикатда ўталган қисмидан ҳисобланганлиги тўғри ва бу борадаги адолат принципларининг тўғри амалга оширилганлигини кўрамиз.

Олдин судланган шахс судланганлик муддати ўтиб кетмасдан янги жиноят содир қилса бир қатор жиноят- ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқишига, жиноятни квалификация қилишнинг (оғирлаштирувчи томонга) зарурий белгиси бўлганлиги учун ҳам, шахснинг муайян жинояти учун судланганлик ҳолати муддатларини белгилашга жиддий ёндошиш керак экан.

ХУЛОСА

Судланганлик институтининг назарий ва амалий қоидаларини ўрганиб шундай хуросага келдимки, судланганлик жиноят хукуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, ундан воз кечиш мумкин эмас экан.

Чунки судланганлик ҳолати:

- биринчидан, кўп холларда жазони ўтаб чиққан шахсларни жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам агар зарур бўлса тарбиялаш чораларини давом эттириш имкониятини беради.
- иккинчидан, жазони ўташ вақтида тўғри йўлга ўтиб олмаган шахсларни жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам уларни назорат қилиш ва шу йўл билан халол меҳнат йўлига ўтиб олишига ёрдам бериш шароитини яратади.
- учинчидан, жазодан озод бўлиб келган шахс давлат идоралари ва жиноятчиликнинг назорати остида бўлганлиги учун унинг яна носоз турмуш тарзига ўтиб олиш имкониятини бермаслиги мумкин.
- тўртинчидан, жазодан озод бўлиб келган шахс ишга жойлашиш ва турмушини тиклаб олишда давлат ёки жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш имконияти бўлади.
- бешинчидан, шахс янги жиноят содир қилса, унинг учун қандай оғир оқибатлар келиб чиқишини билганлиги учун ҳам жиноят содир қилиб кўйишдан ўзини асрайди ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, судланганлик институтининг мавжудлиги факат жамият учунгина зарур бўлмасдан, жиноят содир қилганлиги учун муайян жазо турини ўтаб чиққан шахсларнинг ўзлари учун ҳам муҳимдир.

Судланганлик институтининг асосий мақсади "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсади билан чамбарчас боғланган бўлиб, жазони ўташ вақтида ўша мақсадларга тўла эришилмаган бўлса, уларга эришишни жазони ўтаб бўлгандан кейин давом эттиришдан иборатdir.

Маълумки, ҳозирги даврда мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча

сохаларини қайта қуриш йулида кенг доирада ислоҳотлар жадал суратларда амалга оширилмоқда. Ислоҳотларни қай даражада тўғри ва жадал амалга ошириш асосан қабул қилинган қонунларимизнинг қай даражада пухталиги, ислоҳотларни тезроқ амалга оширишни таъминлай олиши ва ҳоказолар билан боғликдир. Аммо қонунлар қанчалик мукаммал ва яхши бўлмасин улар амалда тўғри тадбиқ этилмаса, кўзлаган натижани бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzасида "Албатта биз, аввалгидек давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиласиз", — деб таъкидлайди.¹ Демак, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим таркибий қисми жиноят қонунини янада ривожлантириш ва либераллаштиришдан иборат.

Жиноят қонунининг судланганлик институти назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиб ушбу қонун нормаларини либераллаштириш зарурлигини тақазо қилмоқда. Ушбу ишимизда уларни асослантириб баён қилганмиз ва уларнинг кискача баёни қуидагича:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасининг иккинчи қисмидаги "Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади", — деган сўзлар ўрнига қуидаги мазмунда бўлган тушунчани киритиш таклиф қилинади:

"Жавобгарликдан озод қилинган ҳамда Ўзбекистон Жиноят кодексининг 69, 70, 71 ва 87-моддалари асосида жазодан озод қилинган шахслар судланмаган деб ҳисобланади."

Ушбу ўзгартиришнинг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасида умумий тарзда баён қилинган судланмаган деб ҳисоблаш ҳолларини аниқлаштиради ва судланмаган деб ҳисоблаш борасида

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош макрадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи 2005 йил 20 январ сони.

йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар бартараф қилинади.

Судларнинг хавфли рецидивистлар учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим судларда содир этилган жиноятни хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб нотўғри квалификация қилиш ҳоллари учрамокда. Яъни шахс олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан айнан ўша жиноятга ўхшаш жиноятни содир қиласа, Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасининг "хавфли рецидивист томонидан қилинса", — деган нормаси билан квалификация қилиб жазо тайинламоқдалар. Ваҳоланки, қонунда оддин содир қилган жинояти учун хавфли рецидивист деб ҳисобланган шахснинг янги жиноят содир этиши назарда тутилмокда. Яъни олдинги содир қилган жиноятлари учун хавфли рецидивист деб топилган шахс янги жиноятни содир қилиш вақтида хавфли рецидивист бўлиши керак. Ушбу муаммо қонунда ўз ифодасини топмаганлиги учун бу қонун нормасини амалда қўллашда хатога йўл қўйилмокда. Бу хатога йўл қўйишларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф қилиш учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг "Хавфли рецидивист томонидан қилинса", — деган банд назарда тутилган моддаларда "шундай жиноят учун олдин судланган шахс томонидан қилинса", — деган мазмундаги банд киритилса максадга мувофиқ бўларди. Ана шундай тулдиришнинг киритилиши жазо тайинлашдаadolatsizlikka йул куйилишининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80-моддасининг иккинчи қисмida судланганлик муддатларини ҳисоблаш тартиби бир оз ноаниқ ифода килинган. Шуни ҳисобга олиб ушбу модданинг иккинчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади.

"Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати хукм бўйича тайинланган оғирроқ жазонинг ҳақиқатдан ўталган қисмидан ҳисобланади. ЖК 78-моддасида назарда тутилган судланганлик ҳолати муддатларининг

бошланиши, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганда жазодан шартли озод қилинган кундан, Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида енгилроқ жазо билан алмаштирилган такдирда, алмаштирилган енгилроқ жазо муддати ҳам ўтаб бўлинган кундан бошлаб ҳисобланади".

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят содир қилинганлиги учун судланган шахснинг судланганлик ҳолати муддатлари жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятни қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигидан, вояга етмаган ёшда жиноят содир этганликдан қати назар умумий тарзда судланганлик ҳолати муддатлари белгиланган. Бизнинг назаримизда эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларнинг судланганлигини алоҳида ажратиб белгиланиши ва қасдан қилинган жиноятларнинг судланганлик муддатларига нисбатан қисқароқ муддат белгиланиши керак. Маълумки, амалдаги жиноят қонунида вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги алоҳида ажратиб белгиланган. Вояга етмаган ёшда содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати муддати эса умумий қоида асосида берилган. Уларнинг жавобгарлиги алоҳида ажратиб белгиланганлиги туфайли, судланганлик ҳолати муддатлари ажратилиб, вояга етмаганларнинг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиши ва уларнинг судланганлик ҳолати муддатлари вояга етганларнинг судланганлик ҳолати муддатларига нисбатан қисқа бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 79-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар жазодан озод бўлган кундан бошлаб ўн беш йил ўтганидан кейингина судланганлигини олиб ташлаш тўғрисида судга мурожаат қила оладилар.

Бизнинг назаримизда бу муддат жуда узоқ бўлиб, агар шахс жазодан озод бўлган кундан бошлаб ўн йил мобайнида янги жиноят содир қилинмаган, бу йиллар ичida уйланиб, барқарор оиласа эга бўлган, ҳалол меҳнат қилиб келган бўлса, судланганлигини олиб ташлаш тўғрисида судга мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида қонунда белгиланиши керак яъни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 79-моддасининг иккинчи

қисмини қўйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади:

“Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин”.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мен “Жиноят ҳуқуқида судланганлик ва унинг ҳуқуқий оқибатлари” мавзусини танлаб, уни ўрганиб чиқиш давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги, олимларимиз фикрлари ва кўплаб дарслик ва қўлланмалар билан танишиб чиқиб, кўп билимга эга бўлдим. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қўйидаги сўзларини эслайман: “Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз”¹

Шундай адолатли, мустақиллиги абадий, тинч жамиятда яшар эканмиз биз ёшлар ҳам устозлардан олган билимларимизга, ҳалол меҳнатимизга таяниб, жамиятимизни янада ривожлантиришда, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини, барпо этишда ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган нафақат ҳуқуқлардан фойдаланиб, балки бурчларни ҳам вижданан бажаришимиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўгитларига пешвоз чиқиб Ватанимизга содик фарзанд бўлиб қолишимиз шарт.

¹ И.А.Каримов. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин.-Т., 1998.-53-б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 2014 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т. 2001 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Изоҳли луғат.
 В. А. Костетский Т. “Билим” – 2004 йил.
4. И. А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. “Ўзбекистон” 1992 йил.
5. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий Истиқболининг асосий тамойиллари. Т. “Ўзбекистон” 1993 йил.
6. И.А.Каримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-Том. Т. “Ўзбекистон” 1996 йил.
7. И.А.Каримов Бунёдкорлик йўлидан 4-Том. Т. “Ўзбекистон” 1996 йил.
8. И.А.Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий мафкура. Т. “Ўзбекистон” 1996 йил.
9. И.А.Каримов. Конституция тўғрисида Т. Академия 2001 йил.
10. И.А.Каримов. Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати.
 Т. “Шарқ” 1993 йил
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон 1997й.
12. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон” 1996й.
13. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. “Ўзбекистон” 1997 йил.
14. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т 2011 йил.
15. И.А.Каримов. Мамалакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2010.-35-бет
16. И.А.Каримов.Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисдаги маъруза.
"Халқ сўзи," 2005 йил 29 январь сони.

17. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажисининг олтинчи сессиясидаги маъруза.
18. Жиноят хуқуқи. Умумий қисм. Тошкент "Адолат" 1998 йил.
19. М.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. "Янги аср авлоди" 2005 йил.
20. У. Тожихонов Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи. Т. "Шарқ" 2001 йил.
21. Х.Бобоев. Демократик Конституциянинг ижтимоий-хуқукий қирралари. Т. "Ўзбекистон" №-2000 йил.
22. А.Саидов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон хуқуқлари. Т. "Адолат" 1998 йил.
23. О.Хусанов. О.Каримова. Инсон хуқуқлари. Т. "Шарқ"-1997 йил.
24. Ҳ. Бобоев. Инсон хуқуқлари Т. "Ўзбекистон" 1997 йил.
25. Ҳ. Бобоев. Давлат ва хуқуқ назарияси. Т. 2000 йил.
26. Н.Сабуров. М.Нажимов. Давлат ва хуқуқ назарияси. Т. "Ўзбекистон" 2009 йил.
27. Г.Маткаримова. Аввало инсон. Т. "Ёзувчи" 1998 йил
Мухитдинова Ф. Одиллик одимлари. Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг Ахборотномаси, 2003 Йил, 4- сон. 8-14-бетлар.
28. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар.
Тошкент, "Адолат", 1997, 112-Ш-бетлар.
29. М.Усмоналиев. Судланганликни либераллаштирищнинг
айрим муаммолари. Давлат ва жамиятнинг демократик
янгиланиш босқичида суд хокимияти мустақиллигини
таъминлашнинг долзарб муаммолари.
Тошкент, ТДЮИ. 2002 йил, 151-155- бетлар.

WEB ресурслар.

- 1) http://www.Lex.Uz
- 2) http://www.Norma.Uz
- 3) http://www.Pravo.uz
- 4) http://allpravo.Ru.

Jinoyat huquqida sudlanganlik deganda, sodir qilgan jinoyati uchun shaxsga sud tomonidan jinoyat qonunida belgilangan biror jazoning tayinlanishi tushuniladi.

Sudlanganlik — bu sud tomonidan aybdor deb topilgan va aniq bir jazo chorasi qo‘llanilgan shaxsnинг huquqiy holatidir.[150] Sudlanganlik shaxsni sodir etgan jinoyati uchun hukm qilinganligidan kelib chiqadigan huquqiy holatdir.

Shaxsni hukm qilish deganda, shaxsnинг qilmishida jinoyat tarkibining barcha elementlari mavjud bo‘lgan aniq jinoyatni sodir etishda aybdor deb topish, shuningdek, bu shaxsga nisbatan muayyan turdag'i va miqdordagi yoki muddatdagi jazoning tayinlanishi tushuniladi. Jazoning turi va miqdori yoki muddati shaxsni sudlangan deb topish va hisoblash uchun ahamiyatga ega emas, lekin, bu sudlanganlikning tugallanishi yoki olib tashlanishiga ta’sir qiladi.

Demak, sud tomonidan ayblov hukmining chiqarilishi sudlanganlik holatini keltirib chiqaruvchi asos hisoblanadi. Ayblov hukmi jinoyat sodir etishda aybli deb topilgan va jinoi jazoga hukm etilgan shaxsnинг alohida huquqiy holatini belgilovchi sudlanganlikni vujudga keltiradi va u bekor qilungunga qadar (olib tashlash yoki tugashi) davom etadi. Sudlanganlikning bekor qilinishi bilan sudlanganlikning barcha huquqiy oqibatlari ham bekor bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 77-moddasiga ko‘ra, sudlanganlik shaxsning sodir etgan jinoyati uchun hukm etilganligidan keyin kelib chiqadigan huquqiy holatdir. Ayblov hukmi qonuniy kuchga kirganidan boshlab shaxs sudlangan deb hisoblanadi. Sud tomonidan jazodan ozod qilingan shaxs sudlanmagan deb hisoblanadi. Shuningdek,, shaxs jazoni o‘tagan, ammo qonunni o‘zgarishi bilan bunday qilmish jinoyat deb hisoblanmaydigan taqdirda yoki sodir qilingan jinoyat uchun tayinlangan jazoni o‘tab bo‘linishi bilan sudlanganlik holatining tugallanishi belgilangan bo‘lsa, shaxs sudlanmagan deb hisoblanadi. Shaxs ayblov hukmi qonuniy kuchga kirgandan boshlab sudlangan hisoblanadi. U ayblov hukmi bilan biror-bir jinoyatni sodir etganligi bois sud tomonidan hukm qilinadi. Shunday qilib jazoni o‘tash davrida va uni o‘tab bo‘lgandan keyin ham qonunda aniq belgilangan muddat davomida shaxs sudlangan hisoblanadi. Sud hukmi bilan jazodan ozod qilingan shaxs esa sudlangan hisoblanmaydi.

Jinoyat kodesi 77-moddasi 3-qismida sudlanganlik ushbu kodeksda nazarda tutilgan hollarda va shaxs yangi jinoyat sodir etgandagina huquqiy ahamiyatga ega ekanligi ko‘rsatilgan.

Sudlanganlikning huquqiy ahamiyati sudlanganlikning mazmunini tashkil etadigan huquqiy oqibatlar bilan belgilanadi. Sudlanganlik fuqarolik-huquqiy, ma’muriy-huquqiy va jinoi huquqiy oqibatlarni keltirib chiqaradi.

Sudlanganlik holatining fuqarolik-huquqiy oqibatlari:

birinchidan, shaxs rasmiy hujjatlarni to‘ldirganida sudlanganligi haqida yozib qo‘yishga majbur bo‘ladi;

ikkinchidan, sudlanganlik holati shaxsnинг turar joy erkinligini chegaralash uchun asos bo‘lib xizmat qilishi mumkin;

uchinchidan, shaxsnинг sudlanganligi uning muayyan faoliyat turi bilan shug‘ullanishiga (advokatlik faoliyati) yoki huquqni muhofaza qilish organlarida ayrim mansablarni (prokuratura tergovchilar, prokurorlar, suda va h. k.) egallahshlariga to‘skinlik qilishi mumkin;

Sudlanganlikning ma’muriy-huquqiy oqibati shundan iboratki, sudlanganlik ayrim toifadagi sudlanganlar ustidan ma’muriy nazorat o‘rnatalishiga sabab bo‘ladi. Ularning muayyan hududlarda bo‘lishi ta’qilqanadi.

Sudlanganlikning jinoyat-huquqiy oqibatlari shaxsnинг oldindangi jinoyati uchun sudlanganlik muddati o‘tmasdan yoki qonunda belgilangan tartibda olib tashlanmasdan yangi jinoyat sodir etganidagina vujudga keladi. Sudlanganlik holati jinoyat-huquqiy bo‘lmagan oqibatlarni ham keltirib chiqaradi.

Sudlanganlikning umumiyligi huquqiy oqibatlari kabi jinoyat-huquqiy oqibatlari ham jinoi jazo samaradorligini oshirish va mahkummi tarbiyalashga qaratilgan choralarни mustahkamlash, shuningdek,, avval sudlangan shaxslar tomonidan yangi jinoyatlar sodir etilishining oldindan olishga qaratilgandir.

Shaxs oldindangi jinoyati uchun sudlanganlik muddati o‘tmasdan yangi jinoyat sodir etganidagina sudlanganlik uning uchun jinoyat-huquqiy ahamiyatga ega bo‘ladi. Bu:

- 1) sudlanganlik jazoni og‘irlashtiruvchi holat sifatida inobatga olinib, sud tomonidan og‘irroq jazo qo‘llanishiga sabab bo‘lishi mumkin (JK 56-moddasi 1-qismi «n» bandi);

- 2) sudlanganlik shaxsni xavfli va o‘ta xavfli retsidivist deb hisoblashga asos bo‘ladi (Jinoyat kodeksi 34-moddasi) ;
- 3) sudlanganlik shaxsni jinoiy javobgarlikdan ozod qilishga to‘sqinlik qiladi (Jinoyat kodeksi 66-moddasida ko‘rsatilgan asoslarga ko‘ra);
- 4) sudlanganlik ozodlikdan mahrum qilish turidagi jazoni o‘tashning muayyan tartibiga ta’sir etadi (Jinoyat kodeksi 50, 85-moddalari) ;
- 5) sudlanganlik muayyan jazo turlarini belgilashda to‘siq bo‘ladi (Jinoyat kodeksi 48-moddasi) ;
- 6) alohida tartibda jazo tayinlanishiga sabab bo‘ladi;
- 7) muayyan jinoyat tarkiblarining og‘irlashtiruvchi belgisi hisoblanadi (masalan, Jinoyat kodeksi 166-moddasi 3-qism «a» bandida takroran sodir etilgan talonchilik uchun kuchaytirilgan javobgarlik nazarda tutiladi) ;
- 8) muayyan toifadagi (og‘ir va o‘ta og‘ir) jinoyatlar uchun sudlanganlik mahkumning muddatidan oldindan shartli ravishda ozod qilish masalasini hal qilishda u amalda o‘tagan muddatni ko‘paytiradi (Jinoyat kodeksi 73-moddasi 3-qismining «b» va «v» bandlari) ;
- 9) jinoyatning ijtimoiy xavfliligiga qarab ijtimoiy xavfi katta bo‘lmagan, uncha og‘ir bo‘lmagan, og‘ir, o‘ta og‘ir (Jinoyat kodeksi 15-moddasi) jinoyatlar uchun javobgarlikka tortish muddatlarini hisoblashga ta’sir ko‘rsatadi (Jinoyat kodeksi 64-moddasi) ;
- 10) jazodan ozod etishga to‘siq bo‘lishi mumkin (Jinoyat kodeksi 71, 72, 73, 74-moddalari).
- 11) ozodlikdan mahrum qilish jazosini tayinlashda jazoni ijro etish muassasasi turini aniqlashga ta’sir qiladi.

Yuqoridagi holatlardan kelib chiqib sudlanganlikning huquqiy ahamiyatini sudlangan shaxs yangi jinoyat sodir etgandagina ko‘rishimiz mumkin. Boshqacha qilib aytganda, shaxsnинг sudlanganlik holati sud tomonidan faqat keyingi jinoyati uchun shaxs sudlangan deb hisoblangan davr mobaynida, ya’ni sud hukmi qonuniy kuchga kirgan vaqtlar to u olib tashlangungacha yoki tugagungacha bo‘lgan davr mobaynida hisobga olinishi mumkin.

2. Sudlanganlik holatining tugallanishi.

Jinoyat huquqiga oid adabiyotlarda sudlanganlik instituti ogohlantirish ahamiyatiga ega bo‘lib, kriminologik ma’lumotlarga asoslanishi haqida fikrlar bildirilgan.[151] Ulardan sudlanganlik ilmiy asoslangan ma’lumotlarga tayanadi, uning muddati jinoiy javobgarlik maqsadiga erishish uchun yetarli bo‘ladi va belgilangan muddatning o‘tishi bilan shaxs o‘zining ijtimoiy xavfliligini yo‘qotadi, degan xulosaga kelish mumkin.

Qonunda belgilangan muddatning o‘tishi bilan sudlanganlik tamom bo‘ladi. Jinoyat kodeksining 78-79-moddalariga muvofik sudlanganlikning tamom bo‘lishi 2 shaklda namoyon bo‘ladi:

Birinchidan, sudlanganlik holatining tugallanishi (avtomatik ravishda);

Ikkinchidan: sudlanganlikni olib tashlash(sud tomonidan).

Qonunda belgilangan muddatning o‘tishi bilan avtomatik ravishda sudlanganlik holati tugallangan deb topiladi. Sudlanganlik holatining tugallanishi avtomatik tarzda ro‘y berib, buning uchun hech qanday hujjat talab qilinmaydi. NOTA BENE!

Sudlanganlik holatining tugallanishi deganda, muayyan muddatlarning o‘tishi bilan mazkur masalaga oid sudning maxsus qarori qabul qilinmasdan barcha huquqiy oqibatlar va cheklanislarning tugallanishi tushuniladi. Sudlanganlik holati tugallanganida shaxs sudlanmagan deb hisoblanadi.

Sudlanganlik holatining tugallanishi uchun qonunda ikki shart belgilangan:

- 1) shaxs asosiy va qo'shimcha jazoni o'tab bo'lgan va undan ozod qilingan kunidan boshlab qonunda ko'rsatilgan muddatlarini o'tishi talab qilinadi. Bu muddatlar o'talga jazo turiga boglik bo'ladi.
- 2) sudlanganganlik holatini tugallangan deb topish uchun shu muddatlar ichida shaxsning yangi jinoyatlar sodir etmasligi talab qilinadi.

Shaxs sudlanganganlik muddati o'tmasidan yangi jinoyat sodir qilsa, bu muddatning o'tishi uziladi. Bunday holda sudlanganganlik muddati birinchi jinoyati yangi jinoyati uchun tayinlangan jazoni o'tagan kunidan boshlanadi. Masalan, shaxs besh yil ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tasa va to'rt yillik sudlanganganlik muddati o'tishiga ikki yil qolganida yangi jinoyatni sodir etganligi uchun unga axloq tuzatish jazosi tayinlansa, ushbu shaxsning sudlanganganlik muddati axloq tuzatish jazosini o'taganidan keyin to'rt yildan so'ng o'tgan hisoblanadi.

Agar ikkinchi jinoyati uchun sudlanganganlik muddati birinchi jinoyatiga nisbatan uzoqroq bo'lsa, u holda sudlanganganlik muddati ikkinchi jinoyati uchun tayinlangan jazoni o'taganidan keyin boshlanadi.

JK 78-moddasiga ko'ra sudlanganganlik holati quyidagi vaqtarda tugallanadi:

- 1) shartli hukm qilinganlarga nisbatan-sinov muddati tugagandan boshlab;
- 2) xizmat bo'yicha cheklash yoki intizomiy qismga jo'natish tarzidagi jazolarni o'tab chiqqach;
- 3) jarima jazosi ijro etilgan kundan keyin, shuningdek, muayyan huquqdan mahrum qilish yoki axloq tuzatish ishlari jazolari o'talgaidan keyin bir yil o'tgach;
- 4) qamoq jazosi o'talgandan keyin-ikki yil o'tgach;
- 5) besh yildan ko'p bo'lman muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosi o'talgandan keyin-to'rt yil o'tgach;
- 6) besh yildan ortiq, lekin o'n yildan ko'p bo'lman muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosi o'talgandan keyin-yetti yil o'tgach;
- 7) o'n yildan ortiq, lekin o'n besh yildan ko'p bo'lman muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosi o'talgandan keyin-o'n yil o'tgach;

Shartli hukm qilinganda sudlanganganlik muddati bir yildan uch yilgacha bo'lgan sinov muddati o'tgandan so'ng tugallangan hisoblanadi. Agar shartli hukm qilingan shaxsga nisbatan qo'shimcha jazo chorasi qo'llanilgan bo'lsa, bu muddat sudlanganganlik muddatidan ko'p bo'lsa, sudlanganganlik qo'shimcha jazo muddati tugagach tamom bo'lgan hisoblanadi.

O'n besh yil va undan ortiq muddatga hukm qilingan shaxs ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tab chiqqanidan so'ng, shuningdek,, o'ta xavfli retsidivist deb topilgan shaxslarga nisbatan sudlanganganlik holati tugallanmaydi. Ularga nisbatan sudlanganganlik muddati Jinoyat kodeksi 79-moddasi, 2-qismiga ko'ra olib tashlanishi mumkin.

Sudlanganganlik holatining tugallanishi shaxsning yangi jinoyat sodir etilishi bilan uziladi. Bunday holda sudlanganganlikning birinchi jinoyat bo'yicha tugallanish muddati aybdorning oxirgi jinoyat uchun jazoni haqiqiy o'tab bo'lganidan so'ng hisobga olinadi.

Shaxs ikki o'ta og'ir jinoyati uchun muddatni o'tab bo'lishiga qadar har ikki jinoyat uchun sudlangan deb topiladi.

Sudlanganganlik holati tugallanishi bilan uning barcha huquqiy oqibatlari bekor bo'ladi va yangi jinoyat sodir etilgan taqdirda, jinoyatga javobgarlikni og'irlashtiruvchi holat deb hisoblab bo'lmaydi. Sudlanganganlik holatini tugallanishi yangi sodir etilgan jinoyat uchun jazo tayinlashda; jazodan shartli ravishda muddatidan ilgari ozod qilish; jazoni engilrog'i bilan almashtirishda e'tiborga olinishi mumkin emas.

Sudlanganganlik o'zining jinoyat huquqiy ahamiyatini yo'qotgandan keyin ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tash tartibini belgilashda ham e'tiborga olinmaydi. Agar sudlanganganlik holati tugallangan yoki olib tashlangan bo'lsa, sudning hukmida avvalgi sudlanganganlik e'tiborga olinmasligi lozim.

3. Sudlanganganlikni olib tashlash.

Sudlanganlikning olib tashlanishi sud tomonidan uning ajrimi asosida yoxud O'zbekiston Respublikasi Prezidentining avf etish yoki amnistiya akti asosida amalga oshiriladi. Sudlanganlikning olib tashlanishi vakolatlari xokimiyat organining tegishli qarori bilan uning bekor qilinishida ifodalanadi.

Sudlanganlik:

- 1) o'n besh yil va undan ortiq muddatga ozodlikdan mahrum qilish shaklidagi jazoni o'taganlarga;
- 2) belgilangan tartibda o'ta xavfli retsdivist deb topilganlardan olib tashlanishini nazarda tutadi (JK 79-moddasi).

Ushbu toifa shaxslarga nisbatan sudlanganlikni olib tashlash masalasini muhokama qilish uchun:

- a) jazoni o'tagandan so'ng o'n besh yillik muddatning o'tishi;
- b) yangi jinoyat sodir etmaslik asos bo'ladi. Sudlanganlikni olib tashlashning zaruriy sharti mazkur shaxsning tuzalganligi va uning sudlangan deb topishga zarurat qolmaganligi to'g'risidagi sudning ajrimi hisoblanadi. Amaldagi JK 79-moddasida sudlanganlikni olib tashlash mumkinligi nazarda tutilgan. Qonunda sudlanganlikni olib tashlashning ikkita turi nazarda tutilgan bo'lib, bular: o'n besh yildan kam muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tab chiqqanlarning sudlanganligini muddatdan ilgari olib tashlash va o'n besh yil va undan ortiq muddatga ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tab chiqqanlar hamda o'ta xavfli retsdivistlarning sudlanganligini olib tashlashdir.

Jinoyat kodeksi 79- moddasi 1-qismiga ko'ra sudlanganlik muddatidan oldindan olib tashlanishi ham mumkin. Sudlanganlikni muddatidan oldindan olib tashlanishi ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tagan shaxslarga nisbatan ularning namunali xulq-atvori, mehnat va o'qishga halol munosabatlari bilan tuzalganliklarini isbotlaganlarida yo'll qo'yiladi. Bunday tuzalish qonunda belgilangan muddat ichida shaxsning ma'muriy jazoga yoki intizomiy javobgarlikka tortilmaganligi bilan tasdiqlanadi. Sudlanganlikning muddatidan ilgari olib tashlanishiga oid iltimosnama jamoat birlashmasi, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari yoki shaxsning o'zi tomonidan berilishi mumkin.

Bunday iltimosnama bilan murojaat qilish uchun Jinoyat kodeksi 78-moddasida nazarda tutilgan muddatning kamida yarmining o'tganligi talab qilinadi.

Qilmishning jinoiyligini bekor qiladigan, jazoni yengillashtiradigan yoki shaxsning ahvolini boshqacha tarzda yaxshilaydigan qonun orqaga qaytish kuchiga ega bo'lib, ushbu qonun kuchga kirgunga qadar tegishli jinoiyligini qilmish sodir etgan shaxslarga, shu jumladan, jazoni o'tayotgan yoki o'tab bo'lgan shaxslarning, agar ular hali sudlangan hisoblansalar sudlanganligi olib tashlanishi mumkin (JK 13-moddasi 2-qismi).

Avf etish yoki amnistiya akti asosida ham sudlanganlikni muddatdan ilgari olib tashlanishi mumkin (JK 79-moddasi 4-qismi).

Amnistiya O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qabul qiladigan normativ xususiyatdagi akt bo'lib, u muayyan jinoyatlar uchun javobgarlikni nazarda tutadigan jinoyat qonunini bekor qilmasdan, sud hukmlarini qarorlarining asosli va qonuniyligini shubha ostiga qo'ymasdan, jazodan, jinoiyligini javobgarlikdan ozod qiladi, jazoni yengilroq turdag'i jazo bilan almashtiradi yoxud belgilangan muddatlarni qisqartiradi, shuningdek,, jazoni o'talganlikning oqibati sifatida sudlanganlikni muddatdan ilgari bekor qiladi.

Amnistiya akti asosida muayyan toifadagi jinoyatlarni sodir etgan shaxslar jinoiyligini javobgarlikdan ozod qilinadi va sudlanganlik muddatidan ilgari olib tashlanadi.

4. Sudlanganlik holatining tugallanishi yoki sudlanganlikni olib tashlash muddatlarini hisoblash.

Sudlanganlik holatining tugallanishi yoki sudlanganlikni olib tashlash muddati asosiy va qo'shimcha jazoning o'talgan yoki ijro etilgan kundan boshlab hisoblanadi.

JK 80-moddasi 2-qismida: shaxs tayinlangan jazodan qonunda belgilangan tartibda muddatdan ilgari ozod qilingan yoki jazo yengilroq'i bilan almashtirilgan bo'lsa, sudlanganlik muddati muddatidan ilgari ozod qilingan yoki

yengilrog'i bilan almashtirilgan jazoning amalda o'tab bo'lingan qismidan hisoblanishi kerakligi ko'rsatib qo'yilgan.

Agar jazo yengilrog'i bilan almashtirilganda, amalda o'talgan muddat hukmga ko'ra belgilangan va o'talgan jazo muddati va sud ajrimi bo'yicha yengilroq almashtirilgan jazo muddatini qo'shish yo'li bilan aniqlanadi. Shu bilan birga yengilroq jazo turi jazolarni qo'shib hisoblash qoidalariga muvofiq og'irroq jazo turiga ko'chirilishi kerak.(JKning 61-moddasi).

Agar ozodlikdan mahrum etish JKning 74-moddasidagi asos bo'yicha axloq tuzatish ishlari bilan almashtirilgan bo'lsa, ozodlikdan mahrum qilishning amalda o'talgan muddati va axloq tuzatish ishlaringin o'talgan muddati qo'shiladi. Natijada sudlanganlikning tugallanishi jazoning ozodlikdan mahrum etish turidagi jazo muddatidan kelib chiqib, ya'ni turli jazolarning amalda o'talgan muddatlarini qo'shish natijalariga ko'ra hisoblanadi.

Jazoga mahkum etilgan shaxs jarima to'lashdan (JK 44-moddasi) yoki axloq tuzatish ishlaridan bo'yin tovlaganda(JK 46-moddasi) mazkur jazo turlari qonunda nazarda tutilgan asoslarga ko'ra boshqa jazolar bilan almashtirilishi lozim. Ayni vaqtda, sudlanganlikning tugallanishi yoki sudlanganlikni olib tashlanishi uchun sud hukmi bilan belgilangan jazoni amalda o'talganligi asos bo'ladi. Agar shaxs amalda ikki turdag'i jazoni o'tagan bo'lsa, u holda sudlanganlikning tugallanishi yoki olib tashlanishi uchun sud hukmi bilan tayinlangan jazo hisobga olinadi. Masalan, shaxs axloq tuzatish ishlariga hukm etilgan bo'lib, keyinchalik jazo JK 46-moddasining 4-qismida nazarda tutilgan asoslarga ko'ra ozodlikdan mahrum etish jazosi bilan almashtirilgan bo'lsa, sudlanganlik muddatining tugallanishi yoki sudlanganlikni olib tashlash axloq tuzatish ishlar shaklidagi jazodan kelib chiqib hisoblanadi va ozodlikdan mahrum etishning amalda o'talgan muddati axloq tuzatish ishlariga ko'chiriladi.

Jinoyat kodeksi 80-moddasi 4-qismiga ko'ra:

NOTA BENE!

"Agar jazoni o'tab chiqqan shaxs sudlanganlik holatining muddati tugamay yana jinoyat sodir etsa, sudlanganlik holatini tugatuvchi muddatning o'tishi to'xtatiladi".

Shunday qilib, shaxs sudlanganlikning tugashi uchun qonunda belgilangan muddat davomida (JKning 78-moddasiga ko'ra) yangidan jinoyat sodir etmasligi kerak. Agar shaxs sudlanganlik muddati davomida yangidan jinoyat sodir etsa, u holda, bu muddatni oxirgi jinoyati uchun asosiy va qo'shimcha jazoning aniq o'talgan vaqtidan boshlab hisoblash zarur.

Shaxsning barcha sodir etgan jinoyatlari uchun uning og'irroq turi bo'yicha sudlanganlik muddati o'tmagunga qadar shaxs sudlangan, deb hisoblanadi.